29 ИЮЛ 1991

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 141 (21. 008) 1991 йил 24 июль, чоршанба ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

«Совет Ўзбекистони», ТАСС, ЎзТАГ ва рўзномамиз жамоатчи мухбирлари хабар берадилар

ПАРТИЯ ОБРЎСИ — МЕНИНГ ОБРЎЙИМ!

ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Яқинда одат бўйича тонг саҳарлаб далаларни айланиб юриб Жуманазар Собиров бошлиқ бригадада кўпроқ тўхталиб қолдим. Бўйи тиззага уриб қолган ғўзалар ғарқ гулга кирган. Культивация қилиб юрган механизатор Омонбой Нафасов тракторини тўхтатиб тушиб келаркан, ҳазил аралаш сўради:

— Ҳа, пайкалимизни таниёлмаяпсизми, ёшулли?

Бригада бошлиғи ҳам шу ерда эди, келиб омонлашди. Одати бўйича кечаги иш ҳақида ахборот бераркан, у ҳам далалардан кўз узолмасди.

— Ғўза кунда ўзгаряпти, — деди у мамнун бўлиб. — Эсингиздами шу ерларни уч марта бузиб қайта экдик-а, Одам қиламан деса уддасидан чиқолмайдиган иш йўқ экан дунёда.

Фақат бу бригадагина эмас, қўшни учта бригада ҳам 250 гектар пахтасини бузиб ерга қайтадан чигит эккан эди. Кеч баҳорнинг ва илк ёзнинг ноқулай об-ҳавоси, жала ва дўллари озмунча зарар келтирдими. Сирасини айтганда одамлар ҳам бўш келишмади.

— Ростини айтсам кишиларнинг юрагига қўл солиб уларни руҳлантирган партия ташкилотимиз, коммунистлар бўлди, — деди Жуманазар Собиров. — Ишнинг оғирини ҳам мана шулар кўтаришди.

Дарҳақиқат шундай. Ҳосил учун курашнинг олдинги сафида коммунистлар борди десам янглишмайман. Менинг бу гапларим балки эски андозадаги гапларни такрорлаш бўлиб туюлиши мумкин баъзиларга. Аммо,амалда ана шундай бўлгандан кейин коммунистларимиз, партия ташкилотимиз фаолияти ҳақида бундан бошқача таъриф келтириш қийин.

Мен ана шу сўзларни айтаяпман-у бироқ баъзан қулоққа чалиниб қолаётган ва ҳатто айрим кишилар тилдан қўймаётган «Ҳозирги оғир турмушимиз, етишмовчиликлар, танқисликларнинг асл сабабчиси Коммунистик партия» деб ёзғиришларни эшитиб жиддий ташвишга тушаман. Ва буларнинг ҳаммаси атайлаб ўйлаб чиқарилаётган, кимларнингдир тегирмонига сув қуйиш учун айтилаётган уйдирмалар эмасмикан, деган хаёлга ҳам бораман. Шунда «Одамлар, уларга ишонманг, уларнинг ниятлари бузуқ, гарчи тилда сизларнинг ташвишларингизни қилаётган бўлсалар ҳам, амалда мақсадлари бошқа — кишиларни йўлдан уриб, уларни ўз измига бўйсундириб асл ниятларига етишиш», дегим келади.

Тўғри, ҳозир замон бошқача, турмуш оғир, оддий халқнинг кун кечириши қийинлашиб қолди. Ҳамма ерда бўлгани сингари бизнинг хўжалигимизда ҳам ана шундай аҳвол. Бироқ дўппини бундоқ ерга олиб қўйиб ўйлаб кўрадиган бўлсак, бундай оғир кунларни авваллари ҳам бошдан кечирганмиз-ку. Ҳатто бундан ҳам оғир даврлар ўтган. Ҳа, ўтган. Ҳалол меҳнат билан, оқилона иш юритиб яхши кунларга ҳам етганмиз. Ана ўша пайтларда ҳам партиямиз одамларга раҳнамолик қилган.

Энди колхозимиз коммунистлари ҳақида. Уларни том маънодаги омманинг етакчилари деб айтиш мумкин. Юқорида таъкидлаганимдек, бу йилги табиий офат кунларида халқни ана шу офатга қарши курашга кўтарган ҳам, оғир меҳнатни ўз зиммаларига олган ҳам ана шулар бўлди. Бошланғич партия ташкилоти йиғилишларида халқнинг турмушига доир энг долзарб масалалар муҳокама қилиниб, қабул қилинган қарорлар изчил амалга оширилянти. Мана шулардан бири: йил бошида озиқ-овқат, жумладан дон танқислиги сезилгач, партия комитети ташаббуси билан 30 гектар майдонга буғдой экиладиган бўлди. Ҳар гектар ердан 40 центнердан қайроқи буғдой ўриб-йиғиб ҳам олдик. Уларнинг ҳаммаси хўжалик аъзоларига тарқатилди.

Бундан ташқари хўжаликдаги ишсизликни тугатиш ташаббускори ҳам партия ташкилоти бўлди. Бу масала колхоз бошқаруви билан биргаликда муҳокама қилиниб, эски мактаб биносида гиламчилик фабрикаси қуриладиган бўлди. Дастлаб 20 та дастгоҳ ўрнатдик. Ҳар ойда 20—25 тадан гилам тўқиляпти. Фабрикада 50 киши ишламоқда. Яна 15 дастгоҳ ўрнатиб 45 кишини ишга жалб қилишни режалаштириб ҳам қўйдик.

Кичик корхоналар қишлоқ учун кони фойда экан. Мана шуни назарда тутиб коммунистлар хўжаликда шойи тўқиш цехи, Хива гилам комбинати билан ҳамкорликда жун йигирув цехи қуришни ҳам таклиф қилдилар. Ана шунда яна 250 кишини доимий иш билан таъминлаш имкони вужудга келади.

Колхоз аъзолари амалга оширилаётган мана шу тадбирларнинг бошида кимлар турганлигини ҳам, коммунистларнинг нияти нақадар холис эканлигини ҳам яхши биладилар. Шу сабабли уларнинг партиямизга ихлоси баланд. Ўтган йиллардагига нисбатан партия сафига қабул бир неча баравар кўпайганлиги, ўзини коммунистлар сафида кўришни орзу қилиб ариза ёзаётганлар ҳам кўпайиб бораётганлигининг сабаби шунда. Ҳа, партиямиз одамларнинг ўй-мақсадлари, ташвишлари билан яшар ва ишлар экан, унинг обрўси яна мустаҳкамланаверади.

Ю. САЪДУЛЛАЕВ.

Хоразм вилояти Шовот районидаги «Правда» жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси.

БИР ҚАРОР ТАВСИФИ

Автохўжалигимиз тошкентликлар хизматида. Яқин пайтларгача биздан фақат аҳолига аъло хизмат кўрсатишни талаб қилишарди-ю, бироқ автотранспортчиларнинг дарди билан ҳеч кимнинг иши бўлмасди. Агар автобус хизматидан нолиб ёзилган бирор шикоят район ёки шаҳар раҳбар ўрганларига келиб тушадиган бўлса, шу куни ҳамма айб жамоамиз зиммасига юкланар, директордан тортиб автоколонна бошлиғигача жазо устига жазо оларди. Бундай аҳволга узоқ вақт тоқат қилиш мумкин эмаслиги ўз-ўзидан маълум. Шунинг учун ҳам автохўжалик меҳнаткашлари навбатдаги «ҳайфсанбозликдан» кейин «Бас, бундай аҳволда ишлаб бўлмайди. Район ва шаҳар раҳбарлари ҳам, министрлик ходимлари ҳам биздан талаб қилавермай шоферларнинг ҳам дардларини эшитсинлар», деб қаттиқ туриб олишди.

Очиғи, автохўжаликда кўп йиллардан бери ҳал бўлмай келаётган муаммолар тўпланиб қолган, улар ижобий ечилмаса ишнинг бутунлай издан чиқиши аниқ бўлиб қолганди. Шунинг учун ҳам коммунистлар навбатдаги йиғилиш кун тартибига мана шундай масалаларни киритишга қарор қилишди. Биз бу йиғилишга узоқ тайёргарлик кўрдик. Хўжаликдаги барча коммунистлар ҳам масалани тайёрлашда қатнашди. Уларга аниқ топшириқлар бердик. Партия бюросининг қарори билан йиғилиш очиқ ўтказиладиган, истаган киши унда қатнашадиган бўлди. Партия йиғилишига автохўжаликнинг барча аъзолари келишди. Маърузадан сўнг музокарада қатнашишни истаган ҳар бир ходимга сўз берилди. Вақтдан тежаб қолиш ҳам, маърузачининг сўзини бўлиб қўйишлар ҳам, турли хил луқма ташлашлар ҳам бўлмади. Ҳамма дилидаги гапни ўртага тўкиб солиши учун барча имкониятлар яратиб берилди.

Ростини айтсам, одамларнинг юрагида жуда кўп дард йиғилиб қолган экан. Мени қувонтирган жиҳат шу бўлдики, кишилар маъмурият, партия ташкилоти, юқори орган раҳбарлари номига жиддий танқидлар айтибгина қолмай ишдаги камчиликларни қай йўсинда бажариш мумкин эканлиги ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди, мана шу ишларда ўзларининг шахсан иштирокини таъминлашни илтимос қилишди. Табиийки, айтилган фикр-мулоҳазалар асосида қарор тайёрланди. Қарорнинг ҳар бир бандини амалга ошириш тадбирлари белгиланди, унинг ижрочилари аниқ қилиб қўйилди.

Мана натижа, шу йилнинг ўзида автохўжалик ҳар бир аъзосининг маоши бир ярим баравар миқдорида ошди. Май ойидан бошлаб иш режасини бажарган ҳайдовчиларга режадан ортиқ тушумнинг 70 фоизи бериладиган бўлди. Ҳозир хўжаликда ўртача ойлик иш ҳақи 400 сўмни ташкил этмоқда. Шунингдек, ҳаракатдаги автобусларнинг режадаги қатновини таъминлаш, уларни эҳтиёт қисмлар ва ёнилғи-мойлаш воситалари билан таъминлаш бироз бўлсада изга тушиб олди.

Коммунистларнинг ташаббуси билан қилинган яна бир хайрли иш ҳақида. Автохўжалик қошида 150 ўринли болалар боғчаси ишлаб турганди. Партия йиғилишида қабул қилинган қарор асосида ана шу боғча хўжалик ҳисобидан тўла таъмирланди.

Автокорхона жамоаси мана шу ўзгаришларни кўриб-тушуниб, партия ташкилоти билан ҳамкорлик қилинса, талабчанлик оширилса ички муаммоларни тўла ҳал этиш мумкин эканлигига ишонч ҳосил қилдилар. Бу фикр яқинда бўлиб ўтган навбатдаги партия йиғилишида ҳам таъкидланди. Демак партия ташкилоти ва коммунистларнинг доимий иш жойи одамлар орасида бўлиши керак, улар билан ҳамкорликда иш олиб бориш лозим. Ана шундагина одамлар ҳам унинг фаолиятидан мамнун бўладилар.

Ш. ҲОЛМУҲАМЕДОВ.

Тошкент шаҳридаги 3-автохўжалик бошланғич партия ташкилоти котиби.

Мана, ниҳоят жумҳуриятимиз далаларида маккажўхори ўрими ҳам бошланди. Уни биринчилардан бўлиб Фарғона вилоятининг Бағдод районидаги «Москва» давлат хўжалиги миришкорлари бошлаб юборишди.

Хўжалик миришкорлари бу йил силос учун 170 гектар ерга макка уруғи қадашганди. Юз берган табиий офатларга қарамай, уни меҳр билан парваришлашди. Вақтида суғориб, вақтида ўғит беришди. Ана шу мардонавор меҳнат эвазига мўл ҳосил етиштиришди. Ҳозирги кунларда ўрим авжига чиқди. Ҳосил чўғи яхши. Миришкорлар ҳар гектар ердан режадаги 350 центнер ўрнига 450—500 центнердан кўкпоя ўриб олишаётир. Шуниси қувончлики, ўримда барча бир жону бир тан бўлиб ҳалол меҳнат қилмоқда. Кўкпоя нестнобуд қилинмай, ғарамланмоқда. Бу борада моҳир ҳайдовчи Иноможон Холмирзаевнинг ҳиссаси катта. Ўрим конвейер усулида олиб борилаётганлиги туфайли сурат тобора кўтарилаётир.

Суратларда: моҳир ҳайдовчи Иноможон Холмирзаев ва маккажўхоризорда ўрим пайти.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

МАККАГА ЎРОҚ ТУШДИ



● Қишлоғимиз кишилари

ҚАДР

Йигитали Раҳимов қарийб йигирма икки йилдан бери трактор рулини бошқаради. У ана шу давр мобайнида юзлаб гектар майдонга барака уруғини қададди. Ғўза қатор ораларига ишлов берди. «Зангори кема»си бункеридан тоннатонна «оқ олтин» тўкиб, пахтакорларнинг оғирини енгил қилди.

Тиниб-тинчимас, жонкуяр, ўз касбининг устаси Йигитали Раҳимов ҳамкасблари ўртасида ўзига яраша обрў-эътибор топган. У ҳар йили ғўза парваришида ҳамкасбларига намуна бўлади, пахта йиғим-теримида пешқадамликни қўлдан бермайди. Бултур ҳам Йигитали машинасини моҳирона бошқариб, 176 тонна «оқ олтин» теришга эришди.

Йигиталининг меҳнати қадр топаётир. Яқинда у район фирқа қўмитаси ҳамда район ижроия қўмитаси томонидан «Запорожец» енгил автомашинаси билан тақдирланди.

Охунбобоев районидаги Аминжон Ниёзов номли давлат хўжалигининг бу тажрибали тракторчиси шу долзарб кунларда ғўза қатор ораларига ишлов беришда бир ғайратига-ўн ғайрат қўшиб меҳнат қилаётир. У хўжаликнинг Қаҳҳорали Қосимов ва Тожиаҳмад Ортиқовлар етакчилик қилаётган бригадаларида кунига 7—8 гектар майдондаги ниҳолларга ишлов бераётир. Шу кунгача 350 гектар ердаги ғўза қатор ораларини юмшатишга эришди.

Ҳозир ҳар туп ғўзада 7—8 тадан шона, 4—5 тадан гул, 1—2 тадан кўсак мавжуд. Бунда Йигиталининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Т. ТЕШАБОЕВ,
Фарғона вилояти.

ИШСИЗЛИК—ЎТКИР МУАММО

Ўзбекистонда ишсизликдан ҳимоя қилиш Бутуниттифоқ ҳайрия жамоат жамғармасининг республика бўлими ташкил этилди. Унинг таъсис конференцияси 23 июль куни Тошкентда бўлиб ўтди. Бу ғояни янги жамоат ташкилоти муассислари бўлган республиканинг ўнлаб корхоналари ва ташкилотлари қувватладилар.

Конференцияда жамғарма бўлимини ташкил этиш ташкилот комитетининг раиси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби А. Абдувосиқов маъруза қилди. У жамғарма республика бўлимини ташкил этишни объектив воқелик тақозо этганлигини таъкидлади. Ишсизлик жамиятни, унинг сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий тузилмаларини қайта қуриш билан боғлиқ энг ўткир муаммолардан биридир. Жамият бу ҳодисага тайёр бўлиб туриши, бор маблағ ва кучни ишсизликнинг оғир оқибатлари олдини олишга сафарбар этиши зарур. Бу масала ортиқча меҳнат ресурслари бўлган Ўзбекистон учун энг муҳим масалалардан биридир. Жамоат жамғармасининг мақсади — республика меҳнат жамоаларини ижтимоий ларзалардан ҳимоя қилишдан, уларга ҳар томонлама мадад беришдан иборат.

Ишсизликдан ҳимоя қилиш Бутуниттифоқ жамғармаси ижроия директори, СССР халқ депутати А. Капустин тўпланганларга марказий жамоат ташкилоти ўз олдига қандай вазифалар қўйганлигини сўзлаб берди.

Конференцияда ишсизликдан ҳимоя қилиш Бутуниттифоқ ижтимоий жамғармаси Ўзбекистон республика бўлимининг бошқаруви ва тафтиш комиссияси сайланди. Унинг низомномаси тасдиқланди.

(ЎзТАГ).

САЙЁРАМИЗ НАФАСИ

● ДЕЛЕГАЦИЯ ТОШКЕНТДАН УРУМЧИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

● ЯҚИН ШАРҚДАГИ ВАЗИЯТНИ ИЗГА СОЛИШГА ДОИР АМЕРИКА ТАКЛИФИ

● МАҲФИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТОПШИРАЁТГАН ПАЙТДА ҚЎЛГА ОЛИНДИ

ТАШРИФ БОШЛАНДИ

23 июль куни Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов бошчилигидаги Ўзбекистон ҳукумат делегацияси ХХР Шинжонг-Уйғур Мухтор райони ҳукуматининг таклифига биноан Тошкентдан Урумчига жўнаб кетди.

Делегация таркибида Ўзбекистон ССР Президент Кенгашининг аъзоси, жумҳурият ташқи ишлар вазири С. О. Азимов, бошқа расмий кишилар бор.

Тошкент аэропортида делегацияни Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи котиби, Тошкент шаҳар кенгашининг раиси А. И. Фозилбеков кузатиб қолдилар.

(ЎзТАГ).

КЕЛИШУВЧИЛИКДАН ИБОРАТ ТАКЛИФ

ҚОҲИРА. Ж. Бейкер Яқин Шарқдаги вазиятни изга солиш масалалари юзасидан Исроил бош вазири Ицхак Шамир билан музокараларнинг иккинчи даврасини ўтказди.

МЕНА агентлигининг хабар қилишича, учрашувда мудофаа вазири Моше Аренс билан ташқи ишлар вазири Давид Леви қатнашган. Сулҳ конференциясини чақириш тўғрисида Американинг келишувчиликдан иборат таклиф музокараларнинг бош мавзусидир, бу таклифни Миср, Сурия, Саудия Арабистони, Иордания ва бошқа бир қанча араб мамлакатлари қўллаб-қувватлаган.

АҚШ давлат котиби босиб олинган ҳудудларда яшаётган Фаластин нуфузли вакиллари делегацияси билан ҳам учрашди ва бу учрашув узоқ давом этди.

АҚШ давлат котиби суҳбатларнинг олдинги даврасини «яхши учрашув» сифатида таърифлади. У журналистларга АҚШ барча томонларнинг олдиндан рози бўлишини кутмасдан конференцияга таклифнома юбориши мумкинлигини ҳам айтди. Шарҳловчиларнинг таъкидлашларича, унинг гаплари аввало Исроилга тегишлидир, сулҳ конференциясини чақириш юзасидан Исроил томони қўйган бир қанча шартларни араблар қабул қилганига қарамай, Америкининг ташаббусига Исроил раҳбарияти ҳамон ижобий жавоб қайтармаяпти.

Исроил газеталари Сурия билан сулҳ тузилган тақдирда Голан тепалигини қайтариб беришга исроилликларнинг мусобатини аниқлаш мақсадида яқинда ўтказилган аҳоли фикрини сўраб билиш натижаларини бугун эълон қилди. Маълум бўлишича, Исроил 1967 йилда босиб олган ва сўнгра ўзига қўшиб олган Голан тепалиги районида ҳудудий келишувга савол берилганларнинг атиги 35 фоизи тайёрдир. Айни пайтда 57 фоизи бундай келишувга тайёр эмас.

БЕШИНЧИ САФАР ДОИРАСИДА

ТЕЛЬ-АВИВ. Форс кўрфази зонасидаги уруш тугаганидан сўнг Яқин Шарқда бешинчи сафари доирасида ташриф билан Исроилга келган АҚШ давлат котиби Ж. Бейкер бош вазир И. Шамир билан учрашди.

Бош вазир ҳузуридаги матбуот масалалари бўйича маслаҳатчи А. Пазнернинг журналистларга маълум қилишича, Ж. Бейкер суҳбатдошига яқин Шарқдаги вазиятни изга солишга доир америка таклифига Сурияннинг рози бўлгани ҳақида батафсил сўзлаб берган. Бунда Исроилга ҳеч қандай тазйиқ ўтказилмайди, Қўшма штатларга қачон жавоб беришни лозимлиги ҳам белгилаб қўйилмаган, деди А. Палнер. «Жерузалемпост» газетаси бош вазир девонидаги манбаларга таяниб бугун бундай деб ёзади: Исроилдаги расмий шахслар Ж. Бейкернинг араб дунёсидаги муаффақиятлари уларни бир бурчакка қисиб қўйди, деб ҳисобламайдилар. «Бизга тайиқ ўтказмаслик керак. Ҳозир гап бораётган конференция араб мамлакатлари билан Исроил ўртасида бевосита музокаралар эканлигига бизни ишонтириш лозим. Башарти бизни бунга ишонтира олсалар, биз олга томон ҳаракат қиламиз. Агар ишонтира олмасалар, у ҳолда ҳаракат қилмаймиз».

ПОКИСТОН РАЗВЕДКАСИНИНГ ИККИ ЖОСУСИ

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон пойтахтида Покистон разведкасининг икки жосуси қамоққа олинди. ЮНИ агентлигининг хабар қилишича, Ҳиндистон армиясининг собиқ ҳарбий хизматчилари Ҳазинуддинхон билан Муҳаммад Исрор кўп вақтдан буён Покистон разведкаси билан ҳамкорлик қилиб, ҳарбий тусдаги махфий маълумотларни унга етказиб турганлар. Ҳазинуддинхон Покистоннинг Ҳиндистондаги олий комиссариати ходими Раззоқ Аҳмадга махфий ҳужжатларни топшираётган пайтда қўлга олинган. Қамоққа олинганлар иши юзасидан тергов бошланди.

(ТАСС).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИНИНГ БАЁНОТИ

РСФСР Президенти РСФСР давлат идораларида, муассасаларида ва ташкилотларида сиёсий партияларнинг ҳамда оммавий жамоат ҳаракатларининг ташкилий тузилмалари фаолиятини тўхтатиш ҳақида фармон қабул қилди. Касаба уюшмалари ташкилий тузилмаларининг фаолияти маъмуриятнинг розилигига боғлиқ қилиб қўйилмоқда. Шу тариқа Россия Федерациясидаги СССР фуқароларининг РСФСР ҳудудида жойлашган давлат бошқарув идораларидаги, давлат муассасалари, ташкилотларидаги, корхоналаридаги жамоат бирлашмалари таркибида қонуний асосларда ўз фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи рад этилмоқда.

Фармоннинг ушбу қоидалари фуқароларнинг демократик эркинликлари ва ҳуқуқлари ҳанчагина чекланишини билдиради, СССР Конституциясининг СССР фуқароларига давлат ишларини бошқаришда ҳам бевосита, ҳам жамоат бирлашмалари, шу жумладан сиёсий партиялар орқали қатнашиш ҳуқуқини кафолатлайдиган 48-моддасига; СССР Конституциясининг жамоат ташкилотлари ўз уставларида белгиланган вазифаларни муваффақиятли бажаришлари учун уларга шарт-шароитни кафолатлайдиган 51-моддасига ва РСФСР Конституциясининг худди шундай кафолат берадиган 49-моддасига зиддир. Фармоннинг шу қисми «жамоат ташкилотлари тўғрисида»ги СССР қонунининг 10 ва 15-моддаларига ҳам зиддир, бу моддаларда жамоат бирлашмаларининг, шу жумладан сиёсий партияларнинг уставларида ўз тузилишини ўзлари белгилаш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган.

Сиёсий партияларнинг ва оммавий жамоат ташкилотларининг фаолиятини чеклаш тўғрисидаги қоидалар фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро фактнинг жаҳон ҳамжамиятида эътироф қилинган нормаларига, СССР ҳам тасдиқлаган бошқа ҳужжатларга мувофиқ келмайди, бу ҳужжатларда ҳамма учун тенг бўлган давлат ишларини юритишда ҳеч бир камситишсиз қатнашиш ҳуқуқи ва имконияти, шунингдек, инсоннинг уюшмалар тузиш, бирлашиш эркинлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюрси чуқур таассуф этадики, РСФСР Президентининг шу лавезимдаги дастлабки қадамлари Конституцияга, демократияга зид бўлган ҳужжат билан, жамоат бирлашмаларининг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиш ва уларнинг ҳуқуқларини бузиш билан бошланди. Бу эса ижтимоий тотувлик ва амалий ҳамкорлик жараёнини ривожлантириш учун тўсиқ қўяди, ҳолбуки, СССР фуқаролари бу жараёнга катта умид боғлаган эдилар.

РСФСР Президентининг янги фармони аввало КПССга қарши қаратилганини, вужудга келган партия тузилмаларини бузиш мақсадини кўзлашини кўриш қийин эмас. Завод ва фабрикалардаги ячейкалардан юзага келган, меҳнаткашларнинг манфаатларини ифодалайдиган КПСС ўз ҳаётини меҳнат жамоаларидан ташқарида тасаввур этмайди. Унинг ўзи партия билан давлат ўртасида вазифаларни фарқлаб қўйиш ташаббусини бошлади, давлат идоралари ва бошқарув фаолиятига аралашишга қарши чиқмоқда, унинг ташкилотлари қатъий равишда қонун доирасида иш кўрмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси Россия Федерацияси ва СССР конституцион идораларига мурожаат этиб, демократияни тўхтатиб қўйиш ва қонунийликни поймол этиш йўлига оғиб кетилишига йўл қўймасликка чақиради. КПСС аъзоларининг бурчи сабр-матонат кўрсатишдан, Конституция меъёрлари ва КПСС Устави асосида меҳнаткашларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги ўз сиёсий фаолиятини кучайтиришдан иборатдир.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ СИЁСИЙ БЮРОСИ.

КУН ТАРТИБИДА НАВОИЙШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ

● Узбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг ижтимоий ривожланиш, фан ва маданият мажмуида жумҳуриятимиздаги таниқли навоийшунос олимлар иштирокида мажлис ўтказилди. Уни Узбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Э. Самандаров олиб борди.

Мажлисда республиканинг етакчи навоийшунослари буюк бобоколонимизнинг 550 йиллик тўйига қизғин тайёргарлик кўрилаётган ҳозирги вақтда навоийшуносликни ривожлантириш истиқболлари, юбилейни нишонлаш юзасидан олиб борилаётган ишларни фаоллаштириш борасидаги ўзларининг қимматли фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Ўзбек халқининг буюк шоири ва мутафаккири, давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг жаҳон маданияти хазинасига бебаҳо дурдона бўлиб қўшилган ҳаётбахш шеърияти барча совет кишиларининг, бутун тараққийпарвар инсониятнинг бойлиги бўлиб қолганлиги, улуғ инсонпарварнинг серқирра ижодига ҳурмат билан қараш, шоир ижодини доимо ўрганиб бориш зарурлиги, унинг олижаноб ғоялари ва илҳомбахш асарлари инсоният тараққиёти ва осойишталиги учун курашдаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга ёрдам беражаги мажлисда таъкидлаб ўтилди.

Ҳазрати Алишер Навоий ҳур фикрли одам бўлган. Улуғ донишманднинг ўлмас асарларида ифодаланган сермазмун фикрлар, инсонпарварлик ғоялари бугунги қайта қуриш кунларида ҳам меҳнат аҳлига илҳом бераяпти. Жаҳоний сиймонинг жавоҳирдек бабаҳо ҳикматлари ҳар биримизнинг қалбимиздан чуқур жой олган. Шоирнинг серқирра бой меросини ўрганиш соҳасида олиб борилаётган чуқур илмий тадқиқотларни янада ривожлантириш зарурлиги айтилди.

Бизнинг навоийшунослигимизда ярим асрлик йўл босиб ўтилди. Садриддин Айний, Абдулла Қодирий, Ойбек ва бошқалар навоийшуносликни ривожлантириш жонкуярлари бўлган биринчи авлод вакилларидир. Ҳозирда навоийшуносликда иккинчи авлод вакиллари ижод қилишяпти. Аммо, деб таъкидланди мажлисда, Навоий ижодининг туб моҳияти ҳали халққа тўла етказиб берилганича йўқ. Шоир ижодини кенг оммалаштиришга етарли эътибор берилмаяпти. Бу иш билан чуқур билимли кишилар шуғулланишлари кераклиги, ҳозир унинг инсонпарварлик ғояларини кенг ёйиш навоийшуносликда муҳим ва асосий вазифа қилиб қўйилиши, бу ишга ўзига хос улкан фан сифатида қараш, уни тобора тараққий эттира бориш, бу фанга янгича ёндошиш зарурлиги, бу соҳада ўз ечимини кутаётган қатор муаммолар мавжудлиги қайд этилди.

Навоий ижодини ўрганишни бугунги кун талаблари даражасига кўтаришда матншунослик муҳим роль ўйнайди. Матншунослик билан чинакамига шуғулланиш, уни ривожлантириш, унинг ўзига хос томонларини ишлаб чиқиш ва бу соҳада ёш олимларни тарбиялаб етиштириш, шунингдек, билимгоҳларнинг филология факультетларида матншуносликни яхши йўлга қўйиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Навоий ўзига хос буюк олам. У ҳар бир хонадонга олиб кирилди. Энди хонадон эгаларини шоирнинг ўлмас асарлари билан кўпроқ баҳраманд қилиш керак. Буюк алломанинг шундай нодир шеърлари борки, олимларимиз ҳалигача уларни тадқиқ қилиб улгурмаганлар.

Алишер Навоий ижодини кенг тарғиб этиш, унинг асарларини рус тилига ва бошқа халқларнинг тилларига таржима қилиш, бу борада танловлар ўтказиш тўғрисида жиддий ўйлаш, унинг асарларида ишлатилган сермаъно сўзларнинг чўнтак луғатини чиқариш зарур.

Мажлисда Навоий қўлёзмалари устида тинмай ишлаш, шоир ҳақида салмоқли асарлар яратиш, унинг ҳаёти ва ижодига оид мактаб дарсликларини қайтадан пухта кўриб чиқиш, уларни янгидан нашр этиш лозимлиги уқтирилди.

Жумҳуриятимиз олий ўқув юртларида Навоий ижоди чуқур ўрганилмаётир, унинг асарларини ўрганишга кам соат ажратилган. Шоирнинг ҳаёти ва ижодига доир оммабоп китоблар етишмайди. Булар эса баъзида талабаларнинг навоийшуносликка бўлган қизиқишлари сусайишига олиб келмоқда. Навоий ижодини қатъий режа асосида тадқиқ этиш, асарларини шарҳи билан чиқариш, шоир ижодини ўрганиш борасида олий ўқув юртлари билан Фанлар академиясининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш, Навоий ижодини ўрганишга талабаларни фаол жалб қилиш, унинг сўз бойлигини пухта ўрганиш мақсадга мувофиқ, албатта.

Навоий асарлари тўлиқ дастхати, матнлари шарҳлари, луғатлари билан чиқмагунча унинг серқирра ижодини мукаммал ўрганиш анча мушкул.

Навоийшуносликни тараққий эттиришда жумҳуриятимиз нашриётларининг фаолияти ҳам катта аҳамиятга эгадир. Чунки ана шу нашриётлар Алишер Навоий асарларини, новоийшунос олимларимизнинг китоб ва мақолаларини нашрдан чиқариб, кенг ўқувчилар оммасига етказиб беришга даъват этилгандир.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг «Фан» нашриёти буюк сўз устасининг йигирма томлик тўла асарлар тўпламини чоп этиш бўйича иш олиб бормоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ нашриёт шу тўпламнинг 7 томини босмадан чиқарди. Шу нашриётда Навоий ижоди ҳақида, шоир ижодининг ҳозирги адабий жараёнга таъсири тўғрисида илмий асарлар чиқариш мўлжалланмоқда.

Навоийшунос кадрлар тайёрлаш, ҳозир бу соҳада ҳормай-толмай меҳнат қилаётган олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, Навоий ижодини мактабларда, олий ўқув юртларида муттасил ўрганиш ва шу асосда навоийшунос олимлар авлодини тарбиялаб етиштириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Тошкентдаги ўрта мактабларда ана шундай мутахассислар тайёрлаш зарурлигига эътибор қаратилди. Навоий юбилейи кунларида Тошкентда ана шундай мутахассислар тайёрланадиган мадраса очилиши кўзда тутилмоқда.

Маълумки, яқинда Тошкентда Навоий ва бошқа буюк алломаларнинг ноёб қўлёзмаларини босишга ихтисослашган «Мерос» нашриёти ташкил этилди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Қўлёзмалар ва Шарқшунослик илмгоҳларидаги мавжуд нодир қўлёзмаларни шу нашриётда китоб шаклида чоп этиб, республикага ва чет элга чиқариш лозимги қайд этилди.

Мажлисда, шунингдек, навоийшуносликни ривожлантиришга доир бошқа муҳим масалалар устида ҳам фикр юритилди ҳамда уларни ҳал этиш билан боғлиқ тадбирлар белгиланди.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзТАГ мухбири.

• ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

КИМСАДИН ЭТМАС ТАМАЪИ МОЛИ ЖОҲ

Азиз ҚАЮМОВ,
Узбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

БУНДАН бир мингу юз йил бурунроқ буюк Ўрта осиёлик олим Абу Наср Форобий (873—950) бундай деб ёзган эди: «Илмни дарс ва ўқиш орқали, ҳунарни ўрганиш ва қунт орқали қўлга киритиш мумкин бўлганидек, бахт-саодат ҳам юксак мақсад бўлиб, уни фақат фазилатли меҳнат орқалигина қўлга киритиш мумкин». Яна Форобий уқдирадики: «Ҳеч қандай сабабсиз керагидан ортиғига интилиш — бу дунёга ҳирс қўйишдир. Фойда ва алмаштириш кетидан қувиб, озни керагидан ҳам кўпайтиришга интилиш ҳам адолатсизликдир».

У кишиларнинг ўз меҳнати орқали бахт-саодатга эришмоқлари мумкинлиги тўғрисида таълим берган. Яна буюк олим одамларни фойда кетидан қувабермаслик, кераги билан чекланмоқ, озни ҳадеб кўпайтирмоққа интилабермаслик тўғрисида огоҳлантирган. Бундай интилиш адолатсизлик эканлигини таъкидлаган. Чунки табиатан, кишининг бойлик, давлат кетидан интилувига чек йўқ. Шунинг учун одам ўзининг оқилона эҳтиёжларини таъминламоқ билан чеклангани мақбул. Форобий дунёга ҳирс қўйишни қоралайди. Олим хулоса қилиб ёзадики, «лаззатни алмаштириш, кўпайтириш ҳаракатига тушмоқ фазилатликка кирмайди, бу разиллик ва хасисликка яқин туради».

Хоразмлик буюк олим ва мутафаккир Абу Райҳон Беруний (973—1048) ўзининг «Китоб ул жамоҳир фи маърифат ил жавоҳир» («Қимматбаҳо тошларни билишга оид китоб» ёки «Минералогия») асарида тиб илмининг келиб чиқиши тўғрисидаги ҳикояни келтирган. Унда Беруний берган таълимга кўра, кишилар ўз эҳтёжларига яраша даромадни ҳалол меҳнатлари билан яратиб ўшанга қаноат қилиб яшаганларида бу жамоа бахтсизликка мубтало бўлмас эди. Ҳамма бало молу давлатга, бойликка ҳирс қўйишдан бошланади. Шу иллат халқнинг фаровон турмушига халал етказди, кишиларни касалликлар ва ўлимга олиб келди.

XII асрда яшаб ижод этган буюк озарбайжон шоири ва мутафаккири Низомий Ганжавий (1141—1202) ўзининг «Искандарнома» китобида гўзал бир мамлакат тўғрисида ҳикоя қилади. «Искандарнома»нинг иккинчи китоби «Иқболнома»да ёзилишича, Искандар дунёнинг тўрт тарафига сафарлар уюштирди. Шимол сафарида Искандар энг гўзал, энг мукаммал бир давлатга дуч келди. У дунёда бор бўлган барча яхши ишлар, яхши нарсаларни шу ўлкада учратди. Бу ўлкада барча инсонлар баббаробар: ҳамма ўз меҳнати билан яшайди, керагидан ортиққа интилмайди. Бу ўлка халқи касаллик нима — билмайдилар, ҳамма узоқ умр кўради. Бу ерда ёлғончилик, адолатсизликка ўрин йўқ. бойлар ҳам, камбағаллар ҳам йўқ. Аммо бу ўлкада яшовчи кишилар тарки дунё қилган зоҳидлар эмаслар. Улар ҳаёт гўзалликларини қадр қиладилар. Улардан баҳраманд бўлиб яшайдилар.

Буюк ўзбек шоири, устоз Алишер Навоийнинг бутун ижоди эзгулик, ҳалол меҳнат, пок зийнатлиликнинг илҳомли ташвиқидан иборат. Навоий 1483 йилда ёзилган «Ҳайрат ул аброр» («Яхшиларнинг ҳайратда қолиши») ахлоқий-фалсафий асарида инсон турмушининг эзгулик қоидаларини бирма-бир кўрсатиб ўтган. Навоийнинг уқдиришича, олийжаноб инсонийлик ҳимматнинг баландлигидадир. Киши олий мақсадлар йўлида хизмат қилмоғи ва яшамоғи керак. Бу мақсадлар даставвал халқ учун, жамият нафи учун хизмат қилмоқдан иборат. «Одами ёрсанг демагил одами, оники, йўқ халқ ғамидин ғами» деган ифоданинг мазмуни ҳам шунда. Одамларга ғамхўрлик қилмайдиган, элу-юрт ғамини емайдиган кишини одам деб ҳисоблаш мумкин эмас. Яна Навоий ўгит бериб ёзадики, «Нафъинг агар халққа бешакдурур. Билки, бу нафъ ўзинга қўпрақдурур». Яъни агар сен халққа кўп фойда келтирсанг, билиб қўйки, энг кўп фойдани ўзинг кўрган бўласан. Чунки халққа чин юрақдан хизмат қилиб, элу-юртга кўпроқ нафъ етказган киши улус муҳаббатига сазовор бўлади. Бундан ортиқ фойда, бундан юксак саодат бўлмоғи мумкинми?! Демак инсонлар ўз ҳаётини элу-юрт, кишилар, жамъият манфаати учун хизмат қилмоққа бағишласалар, чин инсонийлик намунасини кўрсатган бўладилар.

Энди киши ўзи учун, ўз шахсий манфаати учун нима қилмоғи лозим. Навоий бу саволга аниқ ва лўнда жавоб берган. «Ҳайрат ул аброр»да ўқиймиз:

Ҳоҳи агар яхшидурур гар табоҳ
Кимсадин этмас тамаъи молу жоҳ.
Баҳрга етса тиламас шабнаме
Ваҳмини кўрса аямас марҳаме...

Киши аҳволи хоҳ яхши, хоҳ ёмон бўлсин бировдан ҳеч қачон молу давлат тиламаслиги, ундан бирор нарса тамаъ қилмаслиги лозим. Агар денгиз бўйига етса, бир қатра сув тамаъ қилмасин. Аммо ўзганинг жароҳатини кўрса, ундан бор малҳамини аямасин. Ана шундай одамлар чинакам саҳоватпеша кишилардирлар.

Инсон ўзининг ҳалол меҳнати туфайли қилган даромади ҳисобига тирикчилик қилмоғи керак.

Бир дирам олмоқ чекибон дасти ранж
Яхшироқ андинки, биров берса ганж.

Яъни, меҳнат қилиб топган бир чақа бировнинг текинга берган хазинасидан яхшироқдир, деб ўгит берган Навоий.

Келтирилган қатор мисоллардан кўриниб турибдики, инсониятнинг доҳий мутафаккирлари асрлар давомида ҳалол меҳнат, юксак инсонийлик, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик барқарор бўлган жамиятни орзу қилганлар. Ўша жамиятнинг тўрмуши, унда яшовчи одамларнинг маънавий дунёси қандай бўлмоғи кераклигини кўрсатганлар. Кишиларга ана шундай жамият қурмоқ лозим, деб ўгитлар берганлар.

Асрлар ўтди. Бундай таълимот кейинчалик ғарб тафаккурида утопик социализм деган ном олди. Ундан 1848 йилда чоп этилган Коммунистик манифест юзага келди. Деярли бир ярим аср мобайнида ана шу Манифестда баён этилган йўл-йўриқларни амалга оширмоқ учун кураш давом этди. Бу йўлда хатолар ҳам содир бўлди, ютуқларга ҳам эришилди.

XX асрнинг охирги ўн йиллигида Коммунистик жамият қурилишининг асосий кўрғони СССР ларзага келмоқда. Иттифоқни янгилаш, унинг ҳаётийлигини кучайтириш муаммолари кўндаланг турибди. Ҳаёт ҳар қандай чигал муаммоларни ҳам ҳал қилиб беражак.

Аммо биз улуғ ота-боболаримиз, меҳрибон ва мушфиқ устозларимиз берган ўгитларга содиқ қолайлик. Улар берган таълимнинг моҳиятини чуқур ўзлаштирайлик. Бу эса меҳнатга муҳаббат, элу-юрт, улусга садоқат билан хизмат қилмоқ; тамагирлик, молу мулкка бўлган ҳирс каби иллатлардан узоқ турмоқ; бирдамлик, аҳиллик, ҳамжиҳатликда яшамоқ; бир сўз билан айтганда «Ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга эҳтиёжига яраша» деган қоидани амалга оширувчи жамиятни барпо этмоқдан иборатдир.

Самарқанд давлат дорилфунуни доценти, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди З. Ю. Муқимовнинг «Совет Ўзбекистони»нинг шу йил 26 июнь сонида босилган «Ҳуқуқшунослик ойномаси лозим» сарлавҳали мақоласидаги таклифига қўшиламан.

Ўринли таклиф

Сир эмаски, жумҳуриятимиз фуқаролари ҳуқуқшуносликка оид билимлар билан чуқур таниш эмаслар. Айниқса қишлоқ кишилари ҳуқуқшунослик бўйича тушунчаларга эга эмас. Шу боис «Ҳуқуқ ва ҳаёт» ёки бошқа номда ойнома чиқса, мақсадга мувофиқ бўларди. Унга кўпчилик қатори мактабнинг юқори синф ўқувчилари ҳам обуна бўлишарди. Ҳуқуқий давлат барпо этилаётган ҳозирги пайтда ўқувчилар ҳақ-ҳуқуқни билишга айниқса ташна. Боз устига IX-синфда ҳафтада фақат бир соат ўтиладиган «Совет ҳуқуқшунослик асослари» курси бугунги ошкоралик даври руҳини ўқувчиларга сингдиришга қодир эмас.

Афсуски, ҳозир ўқувчилар ўртасида қонунни бузиш ҳоллари ҳам рўй бериб турибди. Шунинг учун агар ёшлар ҳуқуқшуносликка оид билимларни эгаллаб боришса, айни пайтда қонунбузарликларнинг олди олинган бўларди. Хуллас, жумҳуриятимизда оммабоп ҳуқуқий ойнома нашр этишни жуда ўринли деб ҳисоблайман.

С. ОСТОНОВ,
Узбекистон ССР халқ маорифи аълочиси, Қамаши районидаги Н. Пардаев номли 74-ўрта мактаб директори.

ХУШХАБАРЛАР

ҚЎШИМЧА МАҲСУЛОТДАН МИЛЛИОНЛАБ СЎМ ФОЙДА

Қарши тажриба ремонт-механика заводининг жамоаси паст босимли ГРП-40 газ тақсимловчи пунктлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириб олди. Ер кавлаш техникасини тиклашга ихтисослашган корхонада бунинг учун махсус участка ташкил этилди. Корхонада бир йил ичида камида мингта тақчил газ тақсимловчи пункт ишлаб чиқарилади. Уларга қўриқ ўлка газ магистралларининг қурувчилари жуда ҳам муҳтождирлар.

Завод жамоаси бозор муносабатларига ўтилиши билан металлдан бошқа тақчил моллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ниятидадир. Бу ерда газ қозонлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириб олдилар. Ана шу қозонлар мустақил режимда 180 квадрат метргача бўлган майдонни иситиб бера олади. Корхона бир йил ичида қўшимча маҳсулот чиқариш ҳисобидан қариб ўн миллион сўм пул ишлаб топишни мўлжалламоқда.

САМАРҚАНД СТАНЦИЯСИ — БОЛАЛАРГА

Самарқанд саноат станцияси ходимлари фойда олишнинг қўшимча манбаини излаб топдилар. Улар ўз корхоналарида кундалик эҳтиёж моллари ишлаб чиқарадиган дурадгорлик цехини очдилар. Бу иш кўнгилдагидек чиқди: биринчидан, станция ходимлари ўз бюджетларига баракали қўшимча олиш имкониятига эга бўлдилар, иккинчидан эса ўзларига қарашли болалар боғчалари ва яслиларига амалда ёрдам беришга киришдилар. Чунки улар ишлаб чиқараётган маҳсулот кичкинтойларга мўлжалланган. Болалар кроватлари, столлар, жовонлар ва бошқа ёғоч буюмларига талаб жуда катта ва улар қўлма-қўл бўлиб кетмоқда.

(ЎзТАГ).

• Тадбиркорлар ҳақида ҳикоя қиламиз

МЕЪМОР ОРЗУСИ

Қаюмжоннинг яхши бир хислати бор. Мабодо, бирор йиғинда сўзга чиқиб қолса, мана бунча уй-жой қурдик, ана унча корхона барпо этдик, деб мақтанмайди. Ҳар бир гапни ўз феълига хос босиқлик билан айтади. Юрагида борини тўкиб солади. Бир муаммо—қурилаётган биноларнинг кўримсизлиги, бир қолипдалиги масаласи кўнглини ғаш этади. Айримлар гўзалликни ҳис этиш туйғусидан узоқлашиб бораётганлигидан куйинади, бунда биноларни лойиҳаловчилар, қурувчиларнинг ҳам айби борлигини таъкидлайди.

Бундоқ ўйлаб қаралса, қайси ташкилотда ёки корхонада муаммо йўқ, дейсиз. Айниқса, қурилиш ташкилотида. Ҳали у кам, ҳали бу. Иш қизиган пайтда қурилиш материали етишмай қолади. Бироқ Қаюмжон Каримов бошлиқ Қўқондаги 14-қурилиш трести жамоаси муаммоларни ҳал қилиш учун тинмай изланади, ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилади. Улар камдан-кам ҳолларда юқори ташкилотлардан ёрдам сўрашади.

Очиғи, трест раҳбарининг катта йиғинларда бошқалардек кўкракка урриб ўз жамоасини мақтаса арзигудек ишлари кўп. Далил излаб узоққа боришнинг ҳожати йўқ. Биргина ўтган йилни олсак, мавжуд қийинчиликларга қарамай, трестда 30726 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Қўплаб иморатлар, маиший объектлар қад кўтарди. Ўтган беш йил мобайнида эса 2690 ўринли мактабгача тарбия муассасалари, 8798 ўқувчига мўлжалланган мактаблар, бир йўла 240 нафар беморни қабул қиладиган шифохона, ҳунар-техника билим юртлари учун бинолар қурилди. Қатор корхоналарда янги қувватлар барпо этилиб, ишга туширилди.

Қаюмжон билан қурилиш майдонларида кўп учрашганман. Унда қад ростлаётган биноларга узоқ-узоқ тикилиш одати бор. Нималарнидир ҳисоблайди, чамалайди, бинонинг чор тарафига ўтиб, назардан кечиради. Қурилиш трести бошқарувчиси бўлгандан кейин шундай бўлиши керакда, деб ўйлайсан одам. Қурилишга келиш, суръат ва сифат масалалари билан қизиқиш, саратоннинг жазирамаси, қишнинг қаҳратонига парво қилмай тер тўкадиган оддий меҳнаткаш инсонлар билан суҳбат қуриб, ҳол-аҳволидан хабардор бўлиш раҳбарлик бурчи, ахир. Ҳа, Қаюмжон мана шу энг муҳим бурчнни ҳеч қачон эсдан чиқармайди. Гапнинг рости, қурувчилар ҳам ундан ийманишмайди — дилларида борини тўкиб солишади. Чунки, кўп муаммоларни трест бошқарувчиси жойида ҳал этишини яхши билишади.

— Бошқарувчимиз қурувчиликни жон-дилидан севган мутахассисгина эмас, қалбан рассом ва меъмор ҳам, —дейди трест партия ташкилотининг котиби Камолиддин Соҳибназаров. — У бинолар гўзал, такрорланмас, шаҳар ҳуснига ҳол бўлиб тушишини орзу қилади. Турар жойми, боғчами, мактабми — бари-бир, у кишилар кўнглида гўзалликка интилиш туйғусинни уйғотишни истайди. Бино ҳар бир кишида ширин кайфият уйғотиши керак, дейди Қаюмжон ака. Йўқса, қурувчининг меҳнати беҳуда кетди, деяверинг.

Қаюмжон Каримов касбини ҳақиқатан ҳам севади. Кўпгина қурувчи-мутахассислар бу касб машаққатларига чидолмай, бошқа ҳунарнинг этагидан тутиб кетишади. Қаюмжон 1970 йили Тошкент политехника институтини битириб келгандан буён шу касбда. Аввал қурилиш ташкилотида мастер бўлди. Қурувчиликнинг барча босқичини босиб ўтди. Ишлаб чиқариш-техника бўлимида ишлади, қурилиш материаллари комбинатида бош инженер бўлди. 113-механизациялашган кўчма колоннага раҳбарлик қилди. Энг муҳими, ўзини катта олмади. Оддий меҳнаткаш билан тил топишишга интилди. Каттани ака, кичкини ука, деди. Оддий меҳнаткаш дарди унинг дарди, қувончи унинг қувончи бўлиб қолди. Шу боис бўлса керак, жамоада катта ҳурматга эга.

Буни кўп мисоллар орқали билса бўлади. 1986—1988 йилларда у жумҳурият Қурилиш вазири ўринбосарлигига тайинланди. Бу унга бўлган катта ишонч эди, албатта. Бироқ оддий қурувчилар бундан унчалик хурсанд бўлишмади. Чунки улар меҳрибон, жонкуяр, ўзлари билан бир пиёла чой атрофида гурунглашиб, бор дардларини тинглайдиган раҳбарларидан «маҳрум» бўлишган эди. 1988 йилда трест бошқарувчиси лавозимига раҳбар тайинлаш масаласи кўтарилганда, жамоада жуда кўпчилик унинг номзодини қўллаб-қувватлаб туриб олди. Лекин у масъулиятли ишда эди. Қурувчилар Қаюмжонни «қайтариш» талаби билан Марказқўмгача чиқишди. Қаюмжон-чи? «Иссиқ ўрни»ни совутишдан чўчимади. Жонажон коллективига қайтишга рози бўлди.

Келибоқ ишни янгиликдан бошлади. Аввало, қурилишга меҳнати сингган тажрибали бинокорлар, етакчи мутахассислар билан суҳбатлашди. Уларга қурилиш ҳақидаги бор дарди, орзу-ўйларини тўкиб солди, ҳамкасбларининг таклифлари, режалари билан қизиқди. Қандай қилиб қурилишда бурилиш ясаш ҳақида биргалашиб бош қотиришди. Қўқондаги ажойиб санъат маскани — Ҳамза номидаги мусиқали драма театрининг янги бинoси қурилаётганда ҳам шундай бўлди. Кўпчилик ташкилотлар ҳамкорликда иш юритишди.

Бутун Қўқон аҳли бу воқеани хушнудлик билан кутиб олди. Қурилишни кузатиб борди. Ўшанда бир неча лойиҳа таклиф қилинган эди. Уларни муҳокама қилишда қатнашган Қаюмжон айримларини қатъийлик билан рад этганди. Кўпчиликка, Қаюмжонга ҳам меъмор С. Сутягин лойиҳаси маъқул бўлди. Чунки, унда Шарқ меъморчилиги анъаналари тўла устунлик қиларди. Ўзига хослик бор эди. Миллий меъморчилик намоён эди. Истеъдодли мусаввир Б. Жалолов мўйқаламидан чиққан безаклар якунидан сўнг, кошона битди. Театр биносининг очилиш маросимида меъмор ва рассомдан ҳам кўра кўпроқ Қаюмжон хурсанд бўлганди. Икки гапнинг бирида бу бинонинг овозаси узоққа кетишини таъкидларди. Бу унинг орзуйидаги бинолардан бири эди-да, ахир.

— Болтиқбўйи жумҳуриятларидаги қурилишларда ҳам ўзига хослик бор,— дейди Қ. Каримов.— Уларда қурилаётган турар жойларга ҳавас қилсанг арзийди. Кенг, ёруғ, барча қулайликларга эга. Бинолар лойиҳаси-чи? Бир хиллик йўқ. Ҳар бир уй ўзига хос, қайтарилмас. Ҳатто, уйлар олдидаги кўкаламзор, гулзорлар, курсилар ҳам бир-биридан фарқ қилади. Бизда-чи? Бунинг акси. Бир тусдаги бетон уйлар ва шу тахлитдаги корхона бинолари. На кўрки бор, на қулайлиги. Об-ҳаво шароити ҳисобга олинмайди. Шу кетишда бўлса, шаҳарларимиз бетон «чангалзор»га айланиб қолиши ҳеч гапмас.

Яхши баҳонамиз бор. Одамларга уй керак, талаб катта деймиз. Хўп, майли, бу тушнарли. Лекин чиройли қилиб қурайлик. Одамнинг баҳри-дили очилсин. Бу уйларда халқимиз урф-одатларини бажо этиш имконияти ҳам яратилган бўлсин. Энди, бундан буёғига шундай қилишимиз керак. Мен бу-юртмачиларга янги лойиҳалар асосида қуриш лозимлигини, улар танлаган эски лойиҳалар талабга жавоб бермаслигини айтсам, баъзида хафа бўлишади. Вақт тиғизлигини рўкач қилишади. Демак, ҳисобот зарур. Майли, ҳисоботни бироз кечроқ берайлик, лекин чиройли уй қурайлик, бирodарлар, дейман. Ҳозир лойиҳалаш институтлари ҳам ўз ишларига жиддий назар ташлашлари керак. Бўл-бўлчиликка бар ҳам бериш зарур. Бўлмаса бирон натижага эришиш қийин.

Ўз касбининг устаси билан қурилиш ҳақида гаплашсанг, тунни тонгга улайди. Ажойиб фикрлар чиқади ундан. Ҳозир у раҳбарлик қилаётган трест асосан халқ учун истеъмол буюмлари ишлаб чиқарадиган корхоналар, чиройли бинолар қуриш йўналишида иш олиб боряпти. Кимё заводида йилига 60 миллион дона ғишт чиқарадиган завод бунёд этиляпти. Бундан ташқари бевосита трестга қарашли корхоналарда янги цех ва майда корхоналар қурилиб, ишга туширилмоқда. Яқинда ювилган тош ва махсус қум тайёрлайдиган каттагина корхоналарнинг раҳбарлари фалон ёшга тўлганлигини кенг нишонлаймиз-у оддий пахтакорни унутиб қўямиз. Бу хўжаликда эса оддий бригадирнинг туғилган кунини нишонлашга қарор қилинди. Бу хайрли иш, албатта.

М. Усмонов кузда олтмиш ёшга киради, бригадирлик фаолиятига эса 20 йил тўлади. Бригада жамоаси ўз етакчиларининг қўшалоқ юбилейини марказий Фарғонадаги ўзлари бунёд этган хўжаликда нишонлашга аҳд қилишган. Чўл қўйнида уларнинг кучи билан мевазор боғ яратилди. Балиқ боқиш учун 10 гектарли кўл ҳам барпо қилинди. Бу байрам дастурхонига мева-чеванинг ҳамма тури қатори янги балиқ ҳам тортилади деган гап.

Р. ОТАЖОНОВ,
Фарғона вилояти.

ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМ

Бувайда районидаги «Партия XX съезди» жамоа хўжалигида Мамадали Усмонов тажрибали деҳқон сифатида танилган. Пахтачилик бригадасига етакчилик қилаётганига ҳам 37 йил бўлибди. Ўтган йиллар мобайнида ҳалол меҳнати туфайли Ленин ордени, иккита Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Меҳнатда ўрнак кўрсатгани учун» медалининг соҳиби бўлди.

Унинг бу йилги режаси юз гектар ерда деҳқончилик қилиб, ҳосилдорликни қирқ центнерга етказишдир. Ялпи ишлаб чиқарилган ғўзалар қийғос гуллади. Уч-тўртдан кўсаклар ҳам пайдо бўлди. Механизатор Ўктамжон Каримов, сувчилардан Одамбой Отабоев, Турғунбой Жўраев ва Раҳматжон Мингбоевлар ғўза парваришида алоҳида ўрнак кўрсатаётирлар.

Одатда йирик фан арбоблари, зиёлилар, йирик корхоналарнинг раҳбарлари ёшга етганлигини ҳеч ким ҳисобга олмайди. Ҳеч ким ҳисобга олмаса ҳам, ҳеч ким ҳисобга олмаса ҳам, ҳеч ким ҳисобга олмаса ҳам,

• ЁДНОМА

«ИБРАТЛИ ИШЛАРДАН, САБОҚЛИ СЎЗЛАРДАН»

Файласуф, адабиётшунос ва публицист Воҳид Зоҳидов Ойбек тўғрисидаги бир мақоласига юқоридаги жумлани сарлавҳа қилган эди. Мақолада, шундай шахслар борки, «улар ўзлари яшаган замон юксаклигидан туриб ҳам кечмишга доно баҳо берадилар, ҳам ҳозирги кунни яратишга, ҳам келажакни кашф этишга улуш қўшадилар», дейилади. Бу сўзларни олимнинг ўзига ҳам нисбат бериш мумкин. У доим вақтнинг шу уч минтақасида яшаган ва фикрлаган эди. Айниқса, у ўзбек адабиёти ва маданияти тарихи бўйича ибратли ишлар қилди, ҳозирги замон ўзбек адабиёти ва маданиятига доир илмий ва ижтимоий фаолиятида эса ҳам хайрли, ҳам сабоқли нуқталар кўп бўлди. Замонасозлик қусурлари, қатъиқ қонун-қоидалар тазйиқига бўйин эгиш худди шу ҳозирги замон ҳақидаги илмий ва публицистик мақолаларида ёрқин кўринди. Воҳид Зоҳидов рус тилида чиққан бир китобини «Огни истории» яъни «Тарих чироқлари» деб номлаган эди ва эътиборни тарихнинг кулини қидиришга эмас, балки оловини топишга қаратиш зарурлигини уқтирганди. Бу гап, айниқса, ҳозир долзарб бўлиб қолди. Ҳаётдан совуган, меҳнатдан безган ва умид учқунини излаб юрган қалбимизга ҳарорат, илинж ва ҳаётбахшлик бериш учун тарихдан, ўтган зотлар сиймосидан нур қидирайлик.

Воҳид Зоҳидов илмдаги илк қадамини жаҳонда ҳукмрон бўлган ва «машҳур зотлар» томонидан такрор ва такрор айтилган Шарқда фалсафа йўқ, деган нотўғри ва бўҳтон фикрни рад этишдан бошлади. Озарбайжон халқининг буюк мутафаккири Мирза Фатали Охундов тўғрисидаги илмий ишини шу ниятда ёзди ва фан номзоди деган унвонга сазовор бўлди. У озар фарзандидаги эркинликка интилиш руҳини теран илғаб олди. Унинг қуйидаги сўзлари ёш олимга ғоят маъқул тушади: «...Зулмни йўқотишни золимдан ўгит сўраш билан эмас, мазлумнинг ўзига қараб айтиш зарур: ахир, сен ўз кучинг ва қобилиятинг билан мустабиддан беқиёс даражада устунсан — шундай бўла туриб нега зулмга чидаб юрасан? Асрий уйқудан уйғон ва золимни йўқ қилиб ташла». Воҳид Зоҳидов бу сўзларни Мирза Фатали Охундовнинг «жуда катта ютуғи ва журъати», деб таърифлайди.

Шундай журъатни Воҳид Зоҳидов 1947 йилда Москвада ВҚП(б) Марказий Комитетининг ташаббуси билан Г. Ф. Александровнинг «Ғарбий Европа фалсафаси тарихи» асари юзасидан ўтказилган мунозарадаги чиқишида намойиш қилди. Дарвоқе, бир йил илгари Воҳид Зоҳидов Москвада «Алишер Навоийнинг ижоди ва дунёқараши» деган мавзуда докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаган эди. Бу вақтда Иттифоқда бор-йўғи 6—7 нафар фалсафа фанлари доктори мавжуд эди. Ёш олим Навоийгача бўлган ўзбек файласуфларининг кашфиётларини ва Навоийнинг фалсафий журъатини яхши ўрганди. Воҳид Зоҳидов мунозарада «Ғарбий Европа фалсафаси тарихи» дарслигини кескин танқид қилади.

«Биринчиси шуки, —дейди нутқида олим, — Форобий, Ибн Сино, Беруний, Ибн Рушд, Низомий, Ал Хоразмий, Улуғбек, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Ал-Киндий ва бошқа кўпгина олим ва файласуфлар Шарқда ва дунёнинг бошқа ерларида ҳам маданият ва фалсафанинг тараққиётига муҳим ҳисса қўшганлар. Буларнинг ҳаммасини ёритиш фақат илмий қимматга эга бўлиб қолмасдан, балки айни чоғда бу нарса Шарқ халқлари ваҳшийлардир, илмий фикрлаш ва яшашга ноқобилдир, деб ҳисобловчи, Шарқ халқлари маданиятининг Ғарб маданиятига катта таъсирини инкор этувчи империализмнинг қутурган мафкурачиларига маълум даражада зарба ҳам бўлар эди».

Нотиқнинг бу позициясини музокарага чиққан қатор олимлар ҳам, йиғилиш чиқарган қарор ҳам тўла қўллаб-қувватлади. В. К. Чалоян ўзбек олимини қувватлаб, «Шарқ фалсафаси Ғарб фалсафасининг манбаидир», бу фалсафа Ғарбга икки йўл орқали —араблар ва араб тилида ижод қилган шарқли олимлар ва Византия орқали ўтган, дейди.

Воҳид Зоҳидов тадқиқотини давом эттириб, ўзбек файласуфларининг жаҳон фалсафа илмини олдинга силжитишдаги ҳиссасини кўрсатиб берувчи қатор илмий ишлар яратади. У Форобий, Беруний, Ибн Сино ҳақидаги «Уч буюк даҳо» (рус тилида) китобида ва Навоий ҳақидаги капитал ишида буларнинг фалсафий қарашлари (бу ерда уларни айтишга имкон йўқ) инсонпарварлик, адолатпарварлик, тараққийпарварлик ва маърифатпарварлик ғояларини тарғиб этиш ва ҳаётга татбиқ этишга хизмат этганини таъкидлайди. Мазкур тадқиқот ёзилган вақтда суфизмга реакцион таълимот сифатида қараш мавжуд эди, Воҳид Зоҳидов «бу асл ҳақиқатга тўғри келмайди», деб, унинг, айниқса Навоий мансуб бўлган нақшбандийлик оқимининг прогрессив моҳиятини кўрсатиб беради (тўғри, олим дин ва суфизм масаласини бир томонлама талқин қиладики, бу ўша даврнинг меваси эди).

Олим ўзбек адабиётининг долзарб масалаларини ўрганишда, айниқса ундан халқнинг маънавий хазинасини бойитувчи нодир қадриятларни кашф этиш ёки ҳимоя қилишда узоқ йиллар саркорлик қилди. Мен бу ерда унинг Бобур ва Ҳусайн Бойқаро ҳақидаги жасоратини алоҳида таъкидламоқчиман. У пайтлар жиддий ва ҳаётий масалаларга қаратди. Улар ҳақида ўзи биринчи бўлиб мақолалар ёзди: «Алпомиш»га тош отилганда, уни ҳимоя қилди, Пошшахўжа, Ҳувайдо, Мужрим Обид, Нодира, Увайсий, Ҳозиқ, Ғозий, Огаҳий, Гулханий, Фурқатлар тўғрисида мақолалар ёзди. Шундан кейин буларнинг китоблари нашр этилди, улар тўғрисида тадқиқотлар, кандидатлик, докторлик диссертациялари ёқланди. «Шоми ғариб, шаккок ва исёнкор шоир» мақоласида Ҳувайдо ижодида «дунёвийлик, оптимизм ва исёнкорлик, гуманизм кўпинча ва кўпгина масалаларда биринчи ўринда туришини» уқтиради.

Атоқли адабиётшунос ўзининг бир йирик китобини «Донолар давраси» деб номлаган. Олим бирор ёзувчи ёки бирор адабиёт бошқа адабиётлардан ўрганмасдан камол топмайди, маънавий қадриятлар фақат бирор халқ, миллатнинг мулки эмас, балки, бутун инсониятники ва ундан барча баҳра олиши керак, деган тўғри ақидага амал қилди. Мазкур китобида рус, озарбайжон (озарбайжон адабиёти тўғрисида ўттиздан ортиқ мақола, рисола ёзган), қозоқ, қирғиз, тожик, украин, немис, венгер ва боша халқлар ёзувчилари тўғрисида рисолалар, мақолалар ёзди. Бу ерда ҳам мақсад маърифийлик—яъни ўзбек халқи уйига ўша даҳолар нурини олиб кириш эди. Айни чоғда олимнинг бу иши халқлар ўртасидаги дўстлик ипларининг мустаҳкамланишига ҳам хизмат этар эдики, афсуски, ҳозирги кунда бу сабоқларга эътибор бермай қўйдик.

Ижодкорнинг 1977 —1978 йилларда нашр этилган уч жилдлик иборат «Танланган асарлари»нинг деярли икки жилди публицистикадан иборатдир. У эҳтиросли, жанговар публицист эди. Мамлакатда ва хорижда юз бераётган воқеаларга акс садо бермасдан тура олмас эди. Публицистиканинг асосий фазилати янгиликни, яхшиликни, ижобий ҳодисаларни фаол қўллаб-қувватлаш эди, эзгу ишлар қилаётганларга офарин айтиш эди. Ҳозирги вақтда ҳаётдан нур қидириш, одамлардан яхшилик топиш ва инсонда эртага умид уйғотиш, бўлаётган ўзгаришларга ишонч билан қараш фазилати анчагина сусайиб қолди. Йирик олим ва публицист—унутилмас сўз санъаткори Воҳид Зоҳидовнинг ибратли ишларидан, катта сабоқларидан ўргансак ёмон бўлмас эди.

Салоҳиддин МАМАЖОНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

• Халқ ҳақига хиёнат қилишга уялмайсизми?

БОЗОРГА «ЎТ» ТУШДИ

Халқ орасида «Бозорга «ўт» тушди», «Деҳқондан инсоф қочди», «Олиб-сотар, қитмирнинг куни туғди», «Ойликчининг шўри қурди», деган гаплар кўпайиб кетди. Қиёмига етган гаплар бу. Нарх-наво бирданига осмону фалакка чиқиб олди. Туянинг кўзидек кулча нон 20 тийин. Патир, ширмон нонлар бир сўм. Нега, нима сабабдан! Буни сўраб-суриштирадиганлар қани!

Гўшт дўконларида: «Мол гўшти — 12, қўй гўшти — 18 сўм», деган ёзувларга кўзингиз тушади. Бу ёлғон ёзувлар хўжакўрсинга, раҳбар ходимлар катта йиғилишларда мақтанишлари учунгина илиб қўйилган. Аслида эса қимматга сотиляпти. Мутасадди ташкилотлар, бозорларни бошқараётган «амаки»лар, участка инспекторлари, назоратчилар қаёққа қарашяпти!

Боғ-роғлар ўлкаси деб тан олинган водийда ўрик, шафтоли нархини сўрамай қўяқолинг!

Иқтисодий танглик шароитида аҳоли учун зарур озиқ-овқат ва кенг истеъмол молларини яширқча, қонунга хилоф тарзда ташқарига олиб чиқиб кетаётганлар, халқ ҳақига хиёнат қилиш ҳисобига бойлик орттираётган бойваччаларга нима дейсиз!

Андижон шаҳар деҳқон бозорларида эрталаб соат бешдан тўққизгача текшириш ўтказилди. Ўз томорқаларида етиштирилган маҳсулотларни сотиш учун олиб келган деҳқонларни бозорлар олдида олиб-сотарлар «иззат-икром» билан кутиб олдилар, улар келтирилган нарсаларни авраш йўли билан бозор баҳосидан бир ярим баравар арзонига, улгуржи сотиб олишга муваффақ бўлдилар. Атиги тўрт соат давомида шаҳардаги иккала бозор олдида 20 нафар олиб-сотар ушланди. Уларнинг 8 нафари ҳеч қаерда ишламаслиги, 7 нафари фахрийлар, 5 нафари халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишловчи шахслар эканлиги аниқланди.

Бундан ташқари, бошқа шаҳарлардан келиб бозорлар олдида йўлтўсарлик қилиб, озиқ-овқат маҳсулотларини улгуржи нархда сотиб олган тайёрлов идоралари ходимларини ҳам учратдик. Советобод шаҳрида жойлашган «Наврўз» кичик корхонасининг раиси Абдукарим Маматов худди шундай қилди. У деҳқонлардан арзон гаровга улгуржи баҳода 510 килограмм бодринг, 310 килограмм картошка харид қилди. Пахтаобод районидан келган матлубот жамиятининг тайёрловчиси Бахтиёр Кимсанов ҳеч қандай харид ҳужжатларини расмийлаштирмасдан деҳқон Н. Ҳамдамовдан 240 килограмм бодринг, 32 килограмм помидор сотиб олаётганида ушланди. Суҳбат чоғида улар бу маҳсулотларни қимматига сотмоқчи эканликларини айтдилар. Олиб-сотарлар муродига етмадилар. Тўрт соатда бир тоннадан ортиқ озиқ-овқат маҳсулоти «йўлтўсарлар»дан қайтариб олинди, бозорларга киритилди.

Бундай ҳолат кун бўйи давом этади, десак ҳеч хато бўлмайди. Демак, нархнавони камайтириш учун биринчи навбатда деҳқон бозорларида тартиб ўрнатиш, назоратни кучайтириш, олиб-сотарларнинг ҳаракатини тортиб қўйиш керак.

Шу йилнинг биринчи ярмида Андижон вилояти ва жумҳуриятдан ташқарига саноат, озиқ-овқат маҳсулотлари олиб чиқиб кетаётган 319 та юк автомобили текширувдан ўтказилди. Ушланган машиналарда жами 634 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари: 79 тонна ҳар хил олма, 30 тонна асал, 14 тонна редиска; 1 миллион 700 минг сўмлик саноат моллари — 7674 қути сигарета, 694 шиша спиртли ичимлик, 5680 килограмм шакар, 6 тонна ун, 10 тонна гуруч, Японияда ишлаб чиқарилган 2,5 минг дона электр буюмлари, Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган, «Пирамид» маркали енгил автомобилларга мўлжалланган 40 та магнитола, 500 та кассета борлиги аниқланди. Қўлга туширилган шу маҳсулотлардан 44 машинаси шаҳар ва район бозорларида аҳолига соттирилди. 9 машина юк тайёрлов идораларига топширилди.

Шу йил 21 апрель куни Комсомолобод район ички ишлар бўлими ходимлари томонидан 4 та КамАЗ — 5320 маркали ва давлат номерлари бўлмаган автомобиллар вилоят ҳудудидан юк билан чиқиб кетаётганида текшириш учун тўхатилди. Бу машиналарда давлат чакана нархида 37 минг сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан тайёрланган консерва борлиги маълум бўлди.

Текширишда БХСС ходимлари ҳам иштирок этдилар. Бу маҳсулотлар Ленин районидаги консерва заводида ишлаб чиқарилганлиги аниқланди. У Комсомолобод районидаги «В. И. Ленин 100 йиллиги» давлат хўжалиги қошида 1988 йилда очилиб, 1989 йилда район ижроқўмининг қарори билан фаолияти тўхататилган «Труд» кооперативига юборилди, деб расмийлаштирилган. Кооперативнинг собиқ раиси Гульфира Назмутдинова кўп миқдорда фойда кўриш мақсадида Ленин районидаги консерва заводининг директори Р. Абдуллажонов, бош бухгалтери А. Абдувалиев билан тил бириктириб, аллақачон тугатилган кооперативнинг номига сохта ҳужжатлар тайёрлаб, заводдан 146 минг сўмлик консерва олган. У банкда ўз кооперативининг кирим-чиқим ҳисоби ёпилганлиги сабабли Ўзбекистон ССР Молия вазирлигининг Комсомолобод район давлат солиқ инспекцияси бошлиғи У. Ҳошимов билан алоқа боғлаб, банк бошқарувчиси М. Абдуҳолиқов номига хат ёзиб беришни илтимос қилган, унга эса бу «хизмати» эвазига амалга ошириладиган операциядан кўриладиган фойданинг 30 минг сўмини район маҳаллий бюджетига ўтказиб бермоқчи бўлган. Унинг ваъдасига учган Ҳошимов банк бошқарувчиси номига хат ёзиб, «Труд» кооперативи ҳисобидаги пулдан 146 минг сўмини Ленин райони консерва заводи ҳисобига ўтказиб беришни сўраган. М. Абдуҳолиқов бу илтимосни бажарган.

Г. Назмутдинова ҳеч қаерда ишламайдиган Фарида Мусурмонқулова номига 116-сонли қалбаки ишонч қоғози тайёрлаб, заводдан 37 минг сўмлик консерва олиб, юқорида айтилган автомобилларга юклаб, ҳайдовчиларга сохта ҳужжатлар тўғрилаб берган. Ҳайдовчилар эса бу маҳсулотни Татаристон ССР нинг Набережные Челни шаҳридаги «Фиалка» кооперативига олиб боришлари керак эди. Агар милиция ходимлари томонидан бу машиналар ушлаб қолинмаганида Г. Назмутдинова шериклари билан биргаликда ундан нақд 100 минг сўм фойда кўрган бўлар эди. Ҳозир шу иш бўйича тергов олиб бориляпти. Шунинг натижасига қараб Г. Назмутдинова ва унинг шериклари жиноий жавобгарликка тортилади.

Халқ ҳақига хиёнат қилаётган бундай қонунбузарлар камайиш ўрнига кундан-кунга кўпайиб боряпти. Шу йил 2 июнь куни Андижон район ички ишлар бўлими ходимлари шу райондаги Карл Маркс номли давлат хўжалиги ҳудудида Чимкент вилоятининг «Зигзаг» кооперативига қарашли «Шкода-706» маркали «64-73» ЧМР» номерли автомобилни (ҳайдовчиси М. Кентюхин), Андижон АТЭК автобазасига қарашли, давлат номери «17-51 АНМ» бўлган КамАЗ-5410 маркали автомобилини (ҳайдовчиси Абдужалил Каримов) тўхатиб, текширганларида 609 минг сўмлик 9703 та чойшаб-комплект борлиги аниқланди. Бу чойшаблар Андижон ип-газлама ва тикувчилик бирлашмаларида, Ленин шаҳридаги «Гулшан» кичик корхонасида тикилган бўлиб, Андижон Меҳршафқат ва саломатлик жамғармаси қошида очилган «Анди» савдо-сотиқ ва даллоллик фирмасига тегишлидир.

Эртаси куни эса Андижон транспорт милицияси ходимлари томонидан Асака темир йўл станциясида турган вагондан «Анди» савдо-сотиқ фирмасига қарашли 9 мингдан ортиқ чойшаб-комплект топилди. Фирма директори Сардор Латифжонов Амурск шаҳридаги «Аверс» жамияти вакиллари билан шартнома тузиб, уларга 30 мингта чойшаб-комплект юбориш эвазига 3 минг кубометр қурилиш материаллари олмоқчи бўлганлар. Олинадиган қурилиш материалларининг бир қисмини Андижон шаҳар ижроия комитетига бериш ваъда қилинган.

Қизиғи шундаки, «Анди» раҳбарлари ҳар бири 59 сўм турадиган чойшаб-комплектнинг нархини 115—117 сўмдан қилиб ўзгартиришган ҳамда тегишли идоралардан рухсат олмасдан бу молларни Андижондаги иккиламчи хом ашёлар тайёрловчи идора номидан «эски лаҳтак латталар» деган ниқоб остида Асака темир йўл станцияси бошлиғининг муовини Абдусалом Абдурасулов ёрдамида қонунсиз равишда Хабаровск ўлкасига жўнатиш учун қалбаки ҳужжат тайёрлашган.

«Анди» раҳбарлари юқоридаги чойшаб-комплектларни жумҳурият ҳудудидан четга олиб чиқиб кетганларида фақат шу операциядан 995 минг сўм соф фойда кўрган, меҳнатсиз даромад орттирган бўлишарди. Ҳозир Андижон вилоят ички ишлар бошқармасининг БХСС ходимлари «Анди» савдо-сотиқ, даллолчилик фирмасининг молия-хўжалик фаолиятини текширмоқдалар.

Яна бир аянчли воқеани айтиб ўтишга тўғри келади. 1991 йил 11 июнь. Вилоят ички ишлар бошқармасининг БХСС ходимлари Москва район матлубот жамиятига қарашли 26-магазин ва унинг омборини текширдилар. Магазин мудири Жўрабек Қосимов дўконнинг ўзида 90 шиша ароқ, 360 қути Болгарияда ишлаб чиқарилган «Стюардесса» сигаретлари, магазиндан уч чақирим нарида жойлашган омбордан 2820 шиша ароқ, ҳажми уч литрли 755 банка «Жасорат» маркали вино, 7500 қути «Астра» сигарети, шу магазиннинг бошқа жойдаги омборидан уч литрли банкада 313 та «Жасорат» виноси, 5275 та 700 граммли шишада вино топилди. Жами 100 минг сўмликдан ортиқ спиртли ичимлик ва сигаретлар яширий қўйилган. Ҳозир шу фактлар бўйича суриштирув ва тафтиш ишлари олиб бориляпти.

Биз фақат қўлга тушган қонунбузарлар, чайқовчилар ҳақидагина сўз юритдик, холос. Қўлга тушмаганлари эса бундан ҳам кўп. Шу боисдан ҳам бундай виждонсизликка, ноҳуш ҳолларга қарши кураш бугунги кунда фақат тегишли органларнинггина вазифаси бўлиб қолмай, балки ҳаммаҳамманинг ишига айланиши, жамоатчиликнинг доимий эътиборида бўлиши лозим. Шундагина биз иллатнинг пайини қирққан бўламиз.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.
А. СУЛТОНОВ,
Андижон вилоят ички ишлар бошқармаси БХСС бўлими бошлиғининг муовини.

• ОБОДОНЧИЛИК

ҒАМХЎРЛИК

Самарқанд районидаги Киров номли давлат хўжалигида ишчи-хизматчиларга ғамхўрлик кўрсатиш ва ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Чунончи, 31 нафар нафақачи, байналмилалчи жангчи, серфарзанд оила ва ёлғиз кишиларга ёрдам тариқасида биттадан бузоқ ажратилди. Неъматулла Собиров бригадаси далаларида эса мириқиб дам олиш учун шароит яратилди. Фойдаланишга топширилган дала шийпонида ҳамма шароитлар бор. Эскижумада шифохона, болалар боғчаси, мактаб биноларини табиий газ билан таъминлаш учун 150 минг сўмлик лойиҳа ишлари амалга оширилди. Бу йил 1-май қишлоғида ҳам газлаштириш ишлари амалга оширилади. Бунёдкорлик ишларини «Усто», «Сочак» ва «Соҳтмон» кооперативлари зиммаларига олишган.

А. МУҲАММАДАЛИЕВ.

ХИЗМАТ ТАРМОҚЛАРИ

Элликқалъа районидаги «Ленинград» жамоа хўжалигида давр талаби билан анчагина ижобий ишлар турмушга кириб бормоқда. Жумладан бу ерда асосий ишлаб чиқаришдан ташқари турли соҳалар ҳам ривожланяпти.

Хўжаликда Р. Собиров бошлиқ дурадгорлик цехи, М. Худойберганов бошлиқ хўжалик ҳисобидаги қурилиш бригадалари тўла қувват билан ишлаяпти. Дурадгорлик цехи усталари жамоа хўжалиги аъзоларининг буюртмасига кўра эшик, дераза, стол ва стуллар ҳамда бошқа мебелларни арзон ва баҳо билан тайёрлаб беришмоқда.

Айни шу кунларда йил охиригача 500 минг банка сабзавот консерваси ишлаб чиқарадиган кичик корхона қурилиши битказилиб ишга тушиш арафасида турипти. Жамоа хўжалигида ҳар бири 90 ўринли 3 та болалар боғчаси ишлаяпти. Йил охиригача яна битта 90 ўринли болалар боғчаси битказилади. Кейинги йилларда 3 миллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилади.

Хўжаликда меҳнат аҳли учун зарур бошқа буюмларни ҳам ишлаб чиқарадиган соҳаларни йўлга қўйиш режаси тузиляпти.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Деҳқончилик саноати: истиқбол ва муаммолар

ХОНАДОН БАРАКАСИ

Қизалоқ саҳарда онасининг товушидан уйғониб кетди. Уйқули кўзларини базўр очаркан, ёстиқдан бош кўтариб, атрофга алангладди.

Умриниса опа ҳовли супурганча ҳўнг-ҳўнг йиғлар, кимнидир қарғарди.

— Камбағални туянинг устида ит қопибди, — деганлари шу бўлса керак, — Ҳукумат одамиман деб, кўнглига келганини қилаверар эканда. Шунча мол-ҳолнинг уволи кимни тутади? Ўйланмай қилинган ишнинг касофатини болаларимиз тугул, набираларимиз ҳам тортмаса, гўрга эди.

— Бас қил, — деди Маҳмуд ака айвон чеккасига омонат ўтираркан. —Оғзим бор деб валдирайверасанми. Оби-дийда қилганинг билан фойдаси йўқ...

— Ичимлик сут-қатиқ ўзимиздан чиқиб турувди, қолаверса, томорқадаги молхол хонадоннинг қут-баракаси-ку ахир!

Маҳмуд ака шоп мўйловини бураганча жим ўтирарди. Бир жиҳатдан хотинининг нолиганича бор. Хоҳ қишлоқда, хоҳ шаҳардаги хонадонларда мол, парранда боқилса, бунинг нимаси ёмон? Лекин на илож. Ҳукумат қарорига қарши чиқиш ўзини минг бир балога гирифтор қилиш билан баробар. Мол деганинанинг эмаски, бегона кўздан яшириб сақланса. Кўпчилик қатори минг азоб билан ўстирган биттагина сигирини ҳам қушхонага топширди. Қўрадаги икки қўйни бир амаллаб арзон-гаров пуллади. Ўн-ўн бешта товуқ айни тухумга кирганида бирин-сирин сўйилди. Ҳа, ўз қўли билан болаларининг ризқинасибасини қирқди.

Агар инон-ихтиёри ўзида бўлганда бундай номақбул ишга қўл урармиди? Асло. Қолаверса, бу ташвиш фақат унинг бошида эмас.

...Эллигинчи йилларнинг охири, олтмишинчи йилларнинг бошида юз берган бу воқеалар кўпчиликнинг хотирасидан кетмаган бўлса ажаб эмас. Шаҳарда чорва асраш умуман тақиқланганидан, қишлоқ аҳолисига эса томорқадаги бир бошдан ортиқча чорва моли учун солиқ солингани ҳақидаги бор ҳақиқатни инкор қилиб бўлардими?

Ўзим гувоҳи бўлган ва хотирамда ўчмас из қолдирган ўша даҳшатли кунлар худди кечагидек ёдимда. Ёш қизча эдим ўшанда. Онамнинг кўз ёшларию, отамнинг ўйчан нигоҳи кичкина вужудимни ларзага солганди. Энг ачинарлиси, биз акам билан онамнинг жиғибийрон бўлганидан ажабланганмиз. Қолаверса, бир жиҳатдан ортиқча даҳмазадан қутулганимизга ич-ичимиздан суюнганмиз. Сабаби сигирнинг тагини тозалаш, ўт ўриш, ташпи қилиш каби юмушлар бизнинг зиммамизда эди-да.

Эндиликда йиллар ўтиб, оила, рўзгор ташвиши ўзимизнинг елкамизга оғир юк бўлиб тушган бир пайтда қанчалик янглишганлигимизни ҳис этяпмиз.

Айтмоқчиманки, бундан ўттиз йил аввал чиқарилган қарор оқибатларининг оқаваси шу кунларгача етиб келди. Ҳозирги иқтисодий танглик вазиятининг илдизлари кўп жиҳатдан ўша даврларга бориб тақалмоқда.

Саксонинчи йилларга келиб, йўл қўйилган бу хато ва камчиликларни тузатишга кеч бўлса ҳам киришилгани ҳаркалай умид уйғонларини намоён этди. Мамлакатда озиқ-овқат масаласи кескинлиги яққол сезилгач, шундай қилишга мажбур бўлинди.

Ўшанда ҳаётимизга ижара, пудрат сўзлари кириб кела бошлади.

Олтинсой районидаги Карл Маркс номли жамоа хўжалигидан машҳур пахтакор, бригада бошлиғи, Ленин ордени ва Октябрь Революцияси ордени соҳиби Раут Абраев бу ишдаги дастлабки қалдирғочлардан. У пахтачилик бригадасини ташлаб, ижарага қорамол олиб боқишга қарор қилди. Дастлаб хўжаликдан 30 минг сўм қарз олиб, бозордан ҳар бири 800—900 сўмлик 30 бош мол харид қилди. Жамоа хўжалиги эса озуқа билан таъминлади. Пировард натижа кутилганидан аъло бўлиб чиқди. Раут Абраев оиласи билан юз кун ичида 18 тонна гўшт етиштирди. Ҳар бир молнинг баҳоси 1450 сўмга тўғри келди. Рўзғорга ҳам барака кириб, қисқа вақт ичида ўн минг сўм даромад кўрилди. Бу Раут бригадирининг фермерлик соҳасидаги илк қадами эди.

Кейинчалик бу ташаббус бутун жумҳуриятимиз бўйлаб кенг қулоч ёйди. Бунга республикамизнинг катта-кичик раҳбарлари ҳам имкон яратиб беришди. Масалага шу жиҳатдан ёндашиладиган бўлса, кейинги икки йил мобайнида жумҳуриятимиз Президенти томонидан чиқарилган Фармонлар ўзбекнинг ушалмаган орзу-армонларини бир қадар рўёбга чиқарди.

Ҳисоб-китобларга кўра, ҳозир чорвачиликда 6,2 мингта деҳқон хўжалиги бор. Бундан ташқари деҳқончиликда банд бўлган кишиларнинг 80 фоизи оила ва ижара пудрати асосида меҳнат қилмоқда. Шулардан бири Комсомолобод районидаги «Оқ олтин» давлат хўжалиги фермери Шаҳзода Мавлоновадир. Уни ҳамқишлоқлари миллионер дейишади. Бунинг боиси бор, албатта. Ш. Мавлонова ўз оиласи билан ўтган 1990 йилда давлатга 27 тонна гўшт, 130 тонна сут топширди. Бу ҳазилакам гап эмас. Бироқ ижарачи нима учун бунчалик жон қуйдираётганини яхши билади. Ахир, уч йил ичида 300 минг сўм фойда олиш учун тер тўкиш ҳам керак-да. Демак, эркин меҳнат қилган киши унинг роҳатини ҳам кўраркан.

Ульянов районидаги Дзержинский номли давлат хўжалигида эса фермерлик оммалашиб кетди. Ҳозир 150 га яқин киши хўжалик билан шартнома тузган. Фермерларга топширилган молнинг вазнига қараб ҳақ тўланади. Хўжалик уларни озуқа билан таъминлайди. Натижа эса ёмон бўлмаяпти. Ҳозиргача фермерлар режадаги юз тонна гўштнинг 65 тоннасини топшириб бўлишди. Масалан, Бобоқул Ҳасанов дастлабки уч ойликнинг ўзида 5,5 тонна гўшт топширди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Аҳолининг шахсий хўжалигидаги қорамол, қўй-эчки ва парранданинг тобора кўпайиб бораётганлиги ҳам қувончлидир. Чунончи, 1990 йилда 2443,2 минг бош қорамол, бу йил эса 4603,1 минг бошга етди.

Қишлоқларда аҳвол бирмунча ўнгланяпти. Хўш, шаҳарларда-чи? Айтайлик, Тошкентдек йирик шаҳарда бу борада нималар қилиняпти-ю, ҳали қандай камчиликлар бор?

Рақамларга мурожаат қилайлик: 1990 йил маълумотларига кўра, Тошкент шаҳри аҳолиси қўлида ўрта ҳисобда саккиз мингдан зиёд қорамол, ўн мингдан ортиқ қўй-эчки, 50—60 мингдан зиёд парранда, 250—300 бош от, 200—300 бош чўчқа, ўн мингдан зиёд қуён бор эди. Бу озми ёки кўпми? Агар пойтахтимизда икки миллиондан кўпроқ аҳоли яшашини ҳисобга олганда бу рақамлар озлик қилади.

Шаҳарда боқилаётган чорва моллари туёқ сони кескин камайиб кетганининг сабаби эса, яна ўша юқорида тилга олинган қарорга бориб тақалади.

Тўғри, шаҳарда фермерликка даъвогарнинг ўзи топилиши амримаҳол. Табиийки, шароитнинг ўзи тақозо қилмайди. Лекин гўшт ва сут маҳсулотлари билан ўз оиласи ва қўшни хонадонларни таъминлашга қодир, ҳовли-жойи бор одамлар ҳам кўп-ку? Бироқ ана шу одамлар мол боқишни унутиб юборишган. Кўплари тайёр маҳсулот сотиб олишга ўрганиб қолишган. Устига-устак озуқа масаласи бунга авж олдиришга монелик қилаётир. Нега?

Тўғри, халқимизга чорвачиликни кенг ривожлантириш учун бир қатор имконият яратиляпти. Дўконларда концентратланган емлар сотилмоқда. Бироқ, шаҳарда бундай имтиёздан асосан Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, ногиронлар, меҳнат фахрийлари ва кўп болали оилалар фойдаланяптилар.

Бизнингча, эндиликда шаҳарда яшайдиган, чорвачилик билан шуғулланишга иштиёқи бўлган барча аҳолига ҳам ана шундай маҳсулотларни сотиб олиш имконияти яратиб берилиши керак.

Ваҳолонки, шаҳарларда бунинг учун имкониятлар етарли. Чунки ёғ-мой комбинатлари, тегирмонлар, пиво ишлаб чиқарадиган корхоналардаги маҳсулот чиқиндилари озуқа сифатида ярайди-да. Фақат шелуха, кунжара, кепак, барда ва бошқа чиқиндиларнинг бир қисми шаҳар аҳолисига ҳам ажратилса кифоя. Ана шунда ҳовлисида мол боқувчилар янада кўпаяди. Демак, эл дастурхони ҳам сут, қатиқ, гўшт ва тухум билан тўлади.

М. ХУДОЙБЕРДИЕВА,
«Совет Ўзбекистони» маҳсус мухбири.

• АХБОРОТ •

● ҒАМХЎРЛИК

ЯХШИ ДАМ—МЕҲНАТГА ҲАМДАМ

Яқин йилларгача қишлоқ меҳнаткашлари учун курортлар, санаторий ва профилакторийларда дам олиб, даволаниш орзу эди. Оромгоҳларда асосан раислар, нари борса етакчи мутахассислар ҳордиқ чиқаришарди. Хўжалик аъзоларининг эса дам олиб, ўз саломатликларини тиклашлари учун на вақт, на имконият топилларди.

Мана, икки йилдирки вилоятда бундай эскича қолип ва андазаларга барҳам берилди. Энди дала меҳнаткашларининг ҳам дам олиб, даволанишлари учун шарт-шароит етарли.

Бу борада деҳқончилик саноати ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси, унинг жойлардаги бўлинмалари томонидан ибратли ишлар амалга оширилди. Ўтган йили 12 мингга яқин киши санаторий ва дам олиш уйларида хордиқ чиқарди. Шу мақсадда 1 миллион 380 минг сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Дала меҳнаткашларининг кўнгилли дам олишлари учун ички имкониятлардан кенг фойдаланишга эътибор берилмоқда. Яъни вилоят худудидаги «Чортоқ», «Гулшан», «Шаҳанд», «Ниҳол» каби жумҳурият миқёсидаги дам олиш масканларидан фойдаланилмоқда. Ушбу масканларда шу вақтга қадар 500 мингдан зиёд колхозчи ва совхоз ишчиси даволаниб саломатлигини мустаҳкамлади.

● ТАБОБАТ

БИРИНЧИ ЁРДАМ

Кўча-кўйда, ишхонада оғир аҳволга тушиб қолган кишига дастлабки тиббий ёрдам бераоламизми! Афсуски, «ҳа», дейиш қийин. Бонси, бундай юмушга фақат медицина билим юртлари ва олий таълим даргоҳларидагина ўргатилади, холос.

Буни ҳисобга олган В. И. Ленин номидаги болалар фонди вилоят бўлими хайрли ишга қўл урди. Жамғарма маблағи ҳисобига ноҳияларда беморларни парваришлаш, фавқулодда ҳолларда биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича тиббиёт ходимлари тайёрлаш икки ойлик курслари ташкил этилди.

Айни пайтда мана шундай ўқувлар Уйчи ва Норин ноҳияларида ҳам ташкил этилди. Уларда 30—60 нафаргача тингловчи таълим олянти. Аксарияти 5—6 болали аёллар ва уй бекаларидир. Курс тингловчиларига ойига 30 сўмдан стипендия ҳам берилмоқда. Бошқа ноҳияларда ҳам шундай курслар фаолият кўрсатмоқда.

● МАДАНИЯТ

«ХЎРОЗЧА» ТЕАТРИ

Норин ноҳиясидаги Учтепа қишлоқ маданият уйида ташкил этилган «Хўрозча» қўғирчоқ театри хизматидан болалар мамнун.

Ноҳия маданият бўлими театрни транспорт, зарур саҳна жиҳозлари ва қўғирчоқлар билан таъминлаб турибди.

Қўғирчоқ театри ноҳиядаги болалар боғчалари, мактабларнинг бошланғич синф ўқувчиларига ўз санъатларини намойиш этди. «Хўрозча» дастуридан «Порлайвер қуёш», «Сеҳрли чирманда», «Бўрон кампир», «Шолғом», «Қуён, тулки ва хўроз» сингари эртаклар асосида тузилган саҳна асарлари ўрин олган.

М. Тожибоева раҳбарлик қилаётган қўғирчоқ театри жамоаси ноҳияларда бўлиб жажжи ўғил-қизларни хушнуд этмоқда.

А. МАДАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• *Фанимиз заҳматкашлари* •

ФИДОЙИЛИГИ УЧУН

ВАСХНИЛ академиги, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, қишлоқ хўжалик фанлари доктори Шавкат Акмалхонов Совет Иттифоқи делегацияси аъзолари билан яқинда Мисрда бўлди. Меҳмонлар Миср Араб Республикасининг қишлоқ хўжалик вазирлигида қабул қилинди. Шуниси қувончлики, кадрлар тайёрлаш, илмий алоқаларни такомиллаштириш, чорвачилик фани ривожига муносиб ҳисса қўшганлиги учун олим Ш. Акмалхонов шу вазирлик қишлоқ хўжалик илмий марказининг олтин медали билан мукофотланди.

Ўзбекистон чорвачилик илмий-текшириш институтида фан сирларини ўрганаётган жазоирлик аспирант Бумижерия Муҳаммад ҳамюртимиз ютуғини эътироф этиб қуйидагиларни айтди:

— Бу фахрий мукофот қишлоқ хўжалик фани ривожига салмоқли ҳисса қўшган фидойи олимларга берилади. Ҳақиқатан ҳам ўзбек олими йирик мутахассис. Энг муҳими, чинакам инсон, камсуқум ва меҳрибон мураббий. У хориждан келган илм толибларини ўз фарзандидек тарбиялайди, самимий муомалада бўлади.

Айниқса, унинг Сурия, Судан, Ироқ, Жазоир каби араб давлатларидан Ўзбекистонга келиб ўқиётган аспирантларга ғамхўрлигини алоҳида тилга оламан. Юқоридаги медаль юзига «Кимки ерга чин кўнгилдан уруғ қадаса, ўша одамнинг меҳнати роҳат бўлади», деган жумлалар битилган. Бу бежиз эмас.

Йирик олим Ш. Акмалхонов меҳнат қилаётган жамоа аъзолари Миср Араб Республикаси мукофотини халқлар ўртасида дўстлик ҳамда илм-фан арбобларининг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадам деб баҳолашмоқда.

— Академик-олим илмгоҳимиз фахри, — дейди Ўзбекистон чорвачилик илмий-текшириш институтининг директори, профессор Убайдулла Носиров. — У ёшларга илм-фан сирларини эринмай ўргатади. Ҳозиргача икки нафар фан доктори, йигирмага яқин фан номзодининг илмий ишига раҳбарлик қилди. Ҳамкасбимизга Миср Араб Республикасининг юксак мукофоти берилганлиги ҳаммамиз учун қувончлидир.

Ю. ЗИЁДОВ.

Суратларда: (пастда) Шавкат Акмалхонов набиралари даврасида. Юқорида эса Миср Араб Республикаси томонидан олимга тақдим этилган олтин медалининг тасвири.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

1991—1992 ўқув йили учун

КУНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига корхона, жамоа ва давлат хўжаликлари ва СССР Қуролли Кучлари сафидан озод қилинган, хизмат даврида юқори кўрсатгичларга эришган, корхона, қурилиш, транспорт, алоқа, жамоа ва давлат хўжаликлари, шифохоналар, ҳарбий қисмлар томонидан берилган йўлланмаси бўлган ўрта маълумотли шахслар қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кириш учун бериладиган йўлланма меҳнат фаолияти ўқишга кириш давригача корхонада узлуксиз икки йилдан, шифохоналарда ишлаганларга эса кундузги бўлим учун икки йилдан кам бўлмаган шахсларга берилиши керак.

Тайёрлов бўлимига кириш учун тавсия қилинган жамоа хўжалиги аъзолари, жамоа хўжалиги томонидан хўжалик ҳар бир аъзоси учун белгиланган ҳар йиллик иш минимумини бажарган бўлиши шарт.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: олий билимгоҳ ректори номига ариза, йўлланма (иш жойидан стипендия тўлаш ёки тўланмаслигига қараб форма 2 ёки 1,3-формалар), ўрта маълумот тўғрисида ҳужжат (асл нусхаси), иш жойидан тавсифнома (берилган вақти кўрсатилиши шарт), меҳнат дафтарчасининг ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланган кўчирмаси (ҳозиргача ишлаши ҳақида ва берилган вақти кўрсатилади), 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома, 3х4 катталикдаги бош кийимсиз тушилган 8 дона фотосурат.

Аризалар кундузги бўлимга 1 октябрдан 10 ноябргача қабул қилинади.

Суҳбат КИМЁ ва БИОЛОГИЯ фанларидан 11 ноябрдан 24 ноябргача ўтказилади.

Тайёрлов бўлимига қабул 25 ноябрдан 30 ноябргача давом этади.

Ўқиш 1 декабрдан бошланади. Ўқиш муддати — 8 ой.

Тайёрлов бўлимига қабул қилинганлар 60 сўм миқдорида стипендия билан таъминланадилар.

Бошқа шаҳарлардан келган талабалар олий билимгоҳ томонидан ётоқхона билан таъминланадилар.

Тайёрлов бўлимини тугатганлар ҳамда имтиҳонларни муваффақиятли топширганлар олий билимгоҳнинг 1 курсига кириш имтиҳонисиз қабул қилинадилар.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700140, Тошкент шаҳри, Чермет кўчаси, 103-уй (19, 156, 165-автобуслар; 10, 153, 152, 28-маршрут таксиларининг «Ётоқхона» ёки «ТашПИ»нинг янги биноси» бекати.

Тайёрлов бўлимининг қабул комиссияси.

ЖИНОЯТЧИЛАРНИ КОМПЬЮТЕРЛАР ТУТИБ БЕРАДИ

Доимий ишлайдиган мана шу кўргазманинг экспонатлари тахминан ярим миллион доллар туради. Аммо унинг салмоғи мана шу катта пул билан ўлчанишидангина иборат эмас.

24 июль куни Тошкентда очиладиган бу кўргазма одатдан ташқари бўлади. Унда Совет Иттифоқида биринчи марта етакчи хорижий фирмаларнинг полиция (милиция)ни жиҳозлаш учун мўлжалланган энг янги техника ва махсус воситалари намуналари қўйилади. 60 тадан кўпроқ экспонат орасида ҳисоблаш ва нусха кўчириш машиналари, енгил радиостанциялар, пеленгаторлар, криминалистика жомадонлари, телефакслар, кўчма компьютерлар, зудлик билан излаб топиш ишларига хизмат қиладиган юқори сифатли асбоб-ускуналар бор. Ривожланган мамлакатлардаги полициячилар мана шундай асбоб-ускуналар билан қуролланган. Энди улар совет тартиб посбонларига хизмат қилади.

Биринчи бор Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги иккита фирма — Германия Федератив Республикасидаги «Электрокоммерц» ва Швейцариядаги «Инжиниринг консалтинг экспорт са» фирмалари билан шартнома тузди. Ҳозирча мамлакатимизда бундай шартномалар жуда оз.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ходимларини оператив техника, алоқанинг замонавий воситалари ва уларни ишлатиш маҳорати билан таништириш учун шу кўргазма ташкил этилди.

Шартнома республика Ички ишлар вазирлиги билан хорижий фирмаларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари эҳтиёжлари учун асбоб-ускуна ва қурилмалар ишлаб чиқиш соҳасида биргаликда иш олиб боришларини ҳам кўзда тутади. Бу ишлар тижорат асосида ўтказилади.

Хуллас, республика Ички ишлар вазирлиги билан унинг чет эллик ҳамкорлари бор воситаларини кўрсатишга қарор бердилар. Шартнома уч йилга мўлжалланган, бинобарин бошқа республикалардан келадиган кўпдан-кўп меҳмонлар экспонатлар билан батафсил таниша оладилар.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлигининг матбуот шўъбаси — ЎзТАГ.

• Воқеа арафасида •

• *Спорт*

Халқимизда полвонлар ҳурматини ўрнига қўйиш азалий удумлардан саналади. Катта маърака, тўй-ю томошада ўртага тушиб «Қани, тарафкаш борми!!» деб даъват этувчи полвоннинг нуфузи баландлиги ҳам шундан. Сирасини айтганда кейинги пайтларда спортнинг миллий кураш турига эътибор сусайганди. Зеро, жойларда беллашаётганлар, ғолиблик шуҳридан баҳраманд бўлаётганлар ва уларни олқишлаётганлар сафи кенгайиб бораверди.

ПОЛВОНЛАР РАНЖИМАСИН

Мана энди жумҳуриятимизда курашчи бўлиш, полвон бўлиб элга танилиш, қолаверса, довруғ таратиш учун кенг уфқлар очилган.

Фарғонача ва бухороча кураш бўйича жумҳурият федерацияларининг мустақил бўлиши ҳам шундан далолат. Айниқса, бухороча курашга алоҳида эътибор берилянти. Мақсад курашнинг бу турини янада оммавийлаштириш, илмий асосланган дастур бўйича минглаб ёшларни беллашув сир-асрорларини ўрганишга чорлаш, имкони борича иттифоқ миқёсида, кейинчалик халқаро майдонларда мусобақалар уюштирилишига эришишдан иборат.

Умуман, жумҳуриятда барча кураш турларига, хусусан, самбо, дзюдо, каратэ, ушу, эркин ва классик усулда беллашувларга қизиқиш катта. Шунинг учун ҳам бугунги кунда жумҳуриятимиз спорт жамоатчилиги олдида турган муҳим вазифалардан бири ёшларга кўпроқ шароит яратиш, уларни етарли мураббийлар билан таъминлашдан иборат. Ҳеч ким яхши, деганларидек шу масалага оид бир мавзу ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Гапнинг ростини айтадиган бўлсак, Қашқадарё вилоятида курашчилар учун қандай шарт-шароитлар яратилгани билан қиш чилласида танишиб, жойлардаги мутасаддиларининг камчиликларни бартараф этиш ҳақидаги ваъдаларини олган эдик.

Мана, ёз чилласи ҳам ўтиб бораяпти. Афсуски, ижобий ўзгаришлардан дарак йўқ. Ўшанда вилоят бўйича эркин ва классик кураш бўйича мураббийларни имтиҳондан ўтказиб, ўқув-машқ масканларини кўздан кечирган эдик. Атайлаб Қашқадарё вилоятини танлаганимиз йўқ. Сабаби вилоят шаҳар ва қишлоқларида иқтидорли полвонлар камол топгани, иттифоқда танилгани ва тажрибали мутахассислар томонидан эътироф этилгани кўпчиликка аён. Ўзбекистон терма жамоасининг ярмидан кўпи ана шу вилоят полвонларидан таркиб топгани ҳам фикримизни далилидир. Бундай мавқеда туриш учтўрт йил илгариги манзара эканига ипонгинг келмайди. Бўлмаса, шу кунларда ниҳоясига етаётган СССР халқлари Х спартакиадасида вилоятдан бор-йўғи икки вакил қатнашармиди?!

Зеро, шароит жуда ноқулай бўлишига қарамай, имкониятлардан фойдаланиш йўлида уринишлар бор. Вилоят полвонларининг шароитини кўздан кечирган киши курашчилар устози Дониёр Абдурамановга осонмаслигини дарҳол фаҳмлайди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Чунончи, Қарши шаҳрида икки йил аввал ягона кураш зали мавжуд эди. Негадир мутасаддилар зални бошқатдан қуриб кенгайтириш лозим деган баҳонада бузишди. Ўйланган режа амалга ошмади. Қурилиш материаллари талон-торож бўлди. Қолган ишга қор ёғди. Бўлмаса мазкур зал мавжуд пайтида мамлакат биринчилигининг совриндори ва Ўзбекистон чемпионлари ўзларини кўрсатишган эди. Кураш майдонини қайта қуриш, ҳеч бўлмаса ўз ҳолига келтириш важидан вилоят рўзномаларида курашчиларнинг мурожаатномалари ҳам босилди. Лекин ўзгариш бўлмади.

Ҳозир кураш залининг лойиҳаси ҳам, етарли маблағи ҳам бор. Лекин бунёдкор ҳисобланган қурилишсозлаш бошқармаси бошлиқларининг баҳонаси кўпайиб кетаяпти. Вақт эса ўтиб бораяпти. Аҳвол шу тарзда давом этаверса, ёзнинг иссиқ кунлари ҳам тугаб, ёғин-сочинлар бошланганида кураш устозлари нима қиларини билмай қолиши, полвонларнинг, айниқса, ёшларнинг овора-ю сарсон бўлиши ҳеч гап эмас.

Вилоят спорт комитети раисининг ўринбосари А. Акопов билан «Меҳнат резервлари» кураш залини ҳам кўздан кечирдик. Афсуски, зал эшигига катта қулф осилган экан. «Меҳнат резервлари» клубининг раиси Ҳ. Баратовдан спорт залини кўришнинг иложи борми, деб сўрадик. У бўлса: «Ҳеч қандай залимиз йўқ» деб, қўя қолди. Демак, кураш майдони йўқ бўлса, спорт устозлари машғулотларни кўчада ўтказиб, ойлик ҳақларини «ҳалоллаб» юришар экан-да. Курашчиларнинг устозларидан бирортаси билан учрашиш мақсадида касаба союзлари спорт мактабига боришга тўғри келди. Бу ерда ҳам ўша манзара.

А. Акопов ўнғайсизланди. Биз бўлсак қоғозда бор-у, амалга ҳеч вақо йўқ. Бу шароитда йўқдан бор қилган курашчилар бош устози Дониёр Абдурамановнинг саъйи ҳаракатлари зое кетавериши аниқ. Билмадик, бу аҳволда вилоят спорт комитети раиси Б. Эгамов Ўзбекистон жумҳурият спорт комитетининг эркин ва классик курашни янада ривожлантириш тўғрисидаги режасини қандай ва қачон амалга ошираркин?

Р. АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон физкультура ва спорт давлат комитети тренери.

ПОЛВОНТОШ «МАЦЕСТАСИ»

● Марҳамат районидаги нефтчиларнинг Полвонтош қўрғони тиббий-санитария қисмида сув билан даволовчи шифохона пайдо бўлди.

Адирлар орасида ер ости хазиналарини қидириш пайтида қудуқдан минерал сув чиқди, мутахассисларнинг фикрича, бу сувнинг таркиби машҳур Мацеста суви шифобахш хусусиятларини эслатади.

Ҳозирча қўрғондаги тиббий-санитария қисмида йигирма ўринли физиотерапия бўлими очилди, бу ерда фақат марҳаматликлар эмас, вилоятнинг бошқа районларидан келганлар ҳам саломатликларини тиклашлари мумкин. Кейинчалик минерал булоқ базасида замонавий даъволаш ва ётоқхона бинолари бўлган санаторий-профилакторий барпо этилади.

Тиббий-санитария қисмининг сув билан даволовчи янги шифохонасини очишга бағишланган тантанада халқ депутатлари вилоят Советининг раиси, Андижон вилоят партия комитетининг биринчи котиби Қ. Ҳ. Холмирзаев нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ мухбири).

СССР халқлари Х ёзги спартакиадасида

НАФОСАТ КЎРИГИ

Бадиий гимнастикани нафосат кўриги, деб бежиз айтишмайди. Гилам узра мусиқа оҳангида ҳар бир ҳаракатни аниқ ва дадиллик билан бажариш ёки арқон билан чақкон сакраб, уни бир зум ҳавога отиб яна илиб олиб машқни давом эттиришнинг ўзи бўлмайди.

Москвадаги «Дружба» залида ўтказилган нафосат кўригида, спартакиада ҳамда мамлакат биринчилигида командалар ўртасида ғолиблар аниқланди. Украина терма командаси ҳурмат шоҳсупасининг биринчи поғонасини эгаллади.

Кўпкураш бўйича мусобақада иркутсклик Оксана Костина биринчи бўлди. Жаҳон ва Европа қитъаси ғолиби А. Тимошенко кумуш, киевлик О. Скалдина бронза медали билан мукофотландилар.

Республикамиз вакили Амина Зарипова мусобақада маҳорат кўрсатди. У кўпкурашда 56,9 очко тўплаб олтинчи ўринни эгаллади.

МАҲОРАТИ ТИЛГА ТУШДИ

Батут мусобақаси спортчидан довюракликни талаб этади. Мухлис бу ўйин усталарининг чиқишларини кўриб доимо ҳаяжонга тушади.

Спартакиада медаллари учун кураш Киевда бўлди. Жумҳуриятимиз вакилларига умумкоманда ҳисобида бронза медаллари насиб этди.

Халқаро тоифадаги спорт мастери тошкентлик Дмитрий Поляруш ғалабага муносиб ҳисса қўшди. У якка ҳолда сакрашда иккинчи ўринни олди. Мамлакат терма командасига номзод Поляруш бу ютуқ билан мутахассислар тилига тушди.

Жумҳурият олий спорт маҳорати мактаби талабаси Улуғбек Ҳусанов Д. Поляруш билан жуфт ҳолда мусобақада қатнашиб, тўртинчи ўринни эгаллади.

Ўзбекистон хотин-қизлар командаси ҳам учинчи ўринни олди.

Илдария Минулина ва Елена Савельева синхрон сакраш бўйича тўртинчи бўлдилар.

АСАЛАРИЧИЛИКНИ ЎРГАНИНГ!

Ўзбекистон ССР халқ таълими вазирлиги

Тошкент вилояти Тошкент ноҳиясидаги

19-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1991—1992 ўқув йили учун

10-синф ҳажмида маълумотли 30 ёшгача бўлган йигит ва қизларни асаларичилик мутахассислиги бўйича

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎҚИШ МУДДАТИ — 1 ЙИЛ.

Ўқиш даври узлуксиз меҳнат фаолиятига киради.

Билим юртини аъло баҳо билан битирган ўқувчиларга асаларичилик олий ўқув юртларига кириш учун йўлланма берилади. Улар институтга конкурссиз қабул қилинадилар.

Ўқувчилар стипендия, тўрт маҳал иссиқ овқат, кийим-бош, талабалик гувоҳномаси билан таъминланадилар.

1992 йил 1 апрелдан ишлаб чиқариш практикасига юборилади.

Жамоа хўжаликлари ва давлат хўжаликларидан йўлланма билан келганлар ўз жойларига ишлаб чиқариш практикасига ҳамда ўқишни тугатганларидан сўнг ишга юборилади.

Ўқувчилар практика даврида ишлаган иш ҳақларининг 50 фоизини оладилар.

Ўқишни битиргандан сўнг ихтисослик бўйича диплом берилади.

ЎҚИШ 1991 ЙИЛ 2 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади: билим юрти директори номига ариза, таржимаи ҳол, туғилганлик ҳақида гувоҳнома, маълумоти ҳақида шаҳодатнома, тавсифнома, турар жойидан маълумотнома, 3х4 см. катталикдаги 10 дона сурат, тиббий шаҳодатнома (086/У андозада), хўжаликдан йўлланма.

Ҳужжатлар 30 августгача қабул қилинади.

Билим юртининг манзили: Тошкент вилояти, Тошкент ноҳияси, А. Абдураҳмонов номли давлат хўжалиги, 2-бўлим, 19-ҳунар-техника билим юрти. Телефон 56-689 (Билим юртига келиш учун Чорсу метросининг автостанциясидан 466-автобусга чиқиб «19-Ҳунар-техника билим юрти» бекатигача борилади).

Биринчи Тошкент давлат тиббиёт олий билимгоҳининг ректорати, фирқа ва касаба уюшма қўмиталари, профессор-ўқитувчилар ва сил касалликлари кафедрасининг жамоалари олий билимгоҳнинг кафедра ассистенти

Сайидалим ОРИПОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент архитектура-қурилиш олий билимгоҳи ректорати ва жамоат ташкилотлари Жиззах филиалининг директори, техника фанлари номзоди, доцент

Абдулла Юсупович САЛИМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Травматология ва ортопедия илмий-тадқиқот илмгоҳи жамоаси бўлим бошлиғи, катта илмий ходим

МУРАТОВ Ибайдулла Шарифжон ўғлининг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик академиясининг Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот илмгоҳи жамоаси сабзавот-полиз экинлари селекцияси бўлимининг илмий ходими, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди С. А. Акбаровга онаси

Зуҳра ШАРИПОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 31-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583. Буюртма № 5691. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 21.20. № 141.

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12